Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 96 (5687)
25 АПРЕЛЬ 1985 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС XXVII СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдирингиз! Жонажон ленинчи партия съездини меҳнатда янгидан-янги муваффақиятлар билан нишонлайлик!

(КПСС Марказий Комитетининг Май Чақириқларидан).

ЗАФАРЛАРИМИЗ СЕНГА, ЖОНАЖОН ПАРТИЯ!

ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИ МЕҲНАТКАШЛАРИ БАРЧА СОВЕТ ҚИШИЛАРИ КАБИ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1985 ИИЛ АПРЕЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ БАЛАНД РУҲ БИЛАН КУТИБ ОЛДИЛАР. МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА ПЛЕНУМ МАТЕРИАЛЛАРИ ЗЎР ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОР БИЛАН ЎРГАНИЛМОҚДА, МЕҲНАТКАШЛАР ПАРТИЯ БЕЛГИЛАБ БЕРГАН ВАЗИФАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ҒАЙРАТ-ТАШАББУСНИ КУЧАЙТИРМОҚДАЛАР.

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Мен иштирок этиш бахтига муяссар бўлган КПССнинг XXVI съезди бўлиб ўтгандан бери орадан тўрт йилдан кўпроқ вақт ўтди. Бу даврда мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини юксалтиришда, совет кишиларининг турмуш фаровонлигини оширишда салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Турмушимизнинг барча соҳаларида тартибни мустаҳкамлашда, кишиларнинг меҳнатга, ижтимоий бурчга муносабатини яхшилашда, меҳнат интизомига амал қилишда сезиларли ишлар қилинди. Бу муваффақиятларимиз КПСС Марказий Комитетининг кунникеча бўлиб ўтган Пленумида сўзланган нотиқларнинг нутқларида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев мамлакатимиз янги тузум афзалликларига таяниб, тарихан қисқа муддатда иқтисодий ва социал тараққиёт чўққиларига чиқиб олганлигини қайд этаркан шундай деди: «Аммо ҳаёт, унинг жўшқинлиги бундан буёнги ўзгартишлар ва қайта қуришларни, ғоят кенг маънода айтганда жамиятнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришиш зарурлигини тақозо этмоқда. Бу энг аввало ишлаб чиқаришни фан-техника жиҳатдан янгилаш ва жаҳонда энг юқори меҳнат унумдорлиги даражасига эришишдан иборатдир. Бу иқтимоий муносабатларни ва биринчи навбатда иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш демакдир».

Бу фикрларнинг ҳақлигини бизнинг бирлашмамиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Корхонамизнинг кўпгина цехлари ва участкаларига кейинги йилларда такомиллашган станоклар ўрнатилди, янгидан-янги линиялар ишга туширилди. Ишчиларнинг меҳнат шароитини яхшилаш бўйича тадбирлар белгиланди. Булар биз ишчиларга янада унумли ва сифатли меҳнат қилиш, оз меҳнат қилиб, кўплаб буюмлар ишлаб чиқаришимизга имкон беряпти. Лекин ҳали ишлаб чиқаришни юксалтиришдаги резервларимизни тугади дейиш қийин. Техникани янада тараққий эттириш, ёшларнинг касб маҳоратини ошириш мана шу резервлардан биридир.

Бирлашмада менинг ўнлаб шогирдларим меҳнат қиладн. Мен ёшларни тарбиялашга ўзимнинг муҳим жамоат вазифам деб қарайман. Уларга ҳар бир хом ашё, материални тежаб-тергаб ишлатишни, ускуналарнинг унумли ишлашини таъминлаш сирларини эринмай ўргатаман. Бу ишларнинг коллективнинг келгусидаги умумий муваффақиятини таъминлашдаги, КПСС XXVII съездини катта ютуқлар билан кутиб олишдаги, ишлаб чиқаришни янги резервларини кашф этишдаги аҳамияти беқиёсдир.

Н. МАННОПОВ,
В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесарь-йиғувчиси, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

РЕЗЕРВЛАРНИ ИШГА СОЛАМИЗ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми иши билан бригадамиз коллективи яқиндан танишиб чиқди. Айниқса, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг апрель Пленумида сўзлаган нутқи биз қурувчиларни ҳам тўлқинлантириб юборди. Унда мамлакатимизнинг экономикаси чуқур таҳлил қилиб берилди. Чунончи, капитал қурилишдаги камчиликлар ҳам рўйи-рост айтиб ўтилди.

Дарҳақиқат, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев таъкидлаб ўтганидек, **«Кўпгина объектлар ҳаддан ташқари узоқ қурилмоқда. Натижада талайгина моддий бойликлар ҳаракатсиз қолиб кетмоқда... Асосий ишлаб чиқариш фондларини ишга тушириш планни қониқарсиз бажарилмоқда».**

Бу гапларнинг нечоғлик ҳақиқат эканлигини биз қурувчиларнинг бугунги кундаги фаолиятида шахсан гувоҳи бўлмоқдамиз. Кўпгина объектларда ишни аниқ ташкил эта билмаслик, резервларни қидириб топиб, ишга солмаслик, таъминот масаласида узилишларга йўл қўйиш, кадрлар қўнимсизлиги ва шунга ўхшаш бир қатор масалалар қуришда оқсашга олиб келмоқда.

Маълумки, ҳар қандай марра белгиланаётганда коллективнинг имконияти, ишлаб чиқариш резервлари ҳисобга олинади. Яхши ишлаш учун ишни оқилона ташкил эта билиш, ишлаб чиқаришдаги барча резервларни ишга сола билиш зарур. Ўртоқ М. С. Горбачев таъкидлаб ўтганидек, **«Бундай резервлар эса ҳар бир корхона ва қурилишда, ҳар бир колхоз ва совхозда бор. Бу резервларни ҳеч ким меҳнат коллективларининг, улардаги партия ташкилотларк ва хўжалик раҳбарларининг ўзларидан кўра яхшироқ билмайди. Бинобарин, кўп нарса уларнинг ишга бўлган муносабатига, активлигига, ишлаб чиқаришни ўстириш, унинг самарадорлигини ошириш учун барча имкониятлардан мумкин қадар кўпроқ фойдаланилишидан кишиларни манфаатдор эта олиш маҳоратига боғлиқдир».**

Бригадамиз коллективи ҳам Пленум қарорларидан тегишли хулоса чиқарган ҳолда ўз ишини қайта қуришда, аҳоли учун сифатли уйлар қуриб бериш учун астойдил курашмоқда. Айни пайтда Чилонзор райондаги Грозная кўчасида яна бир 16 квартирали ғиштли уйни жадал суръатда қурмоқдамиз.

Ҳозирда бригадамиз Пленум қарорларидан илҳомланган ҳолда КПССнинг навбатдаги XXVII съездини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олиш учун ҳаракат қилмоқда. Биз съезд шарафига зиммамизга катта оширилган социалистик мажбуриятлар олиб ишламоқдамиз. Мамлакатимиз коммунистларининг бўлажак анжуманини ёруғ юз билан кутиб олиш ҳар бир коммунистнинг, шу жумладан бригадамиз коммунистларининг муқаддас бурчидир.

Раҳим ЗИЕЕВ,
153-трестнинг 39-қурилиш бошқармаси бригадири, уч марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, СССР Давлат мукофоти лауреати.

ИККИ МИНГ КИШИ ИШТИРОК ЭТАДИ

Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз ремонт заводи коллективи Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги ватанпарварлик ташаббусини биринчилар қаторида қўллаб-қувватлади. Бу ерда ҳозирнинг ўзидаёқ 4 май куни бажариладиган ишларнинг конкрет ҳажми белгиланди. Олтита тортиш электродвигатели, 6 жуфт ғилдирак, қарийб икки мингта тормоз колодкалари ремонтдан чиқарилиши кўзда тутилди. Ҳаммаси бўлиб 30 минг сўмлик товар маҳсулот — оддий иш кунидагидан анча кўп маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Олдиндан қилинган ҳисоб-китобларга кўра, заводда ўтказиладиган шанбаликда қарийб икки минг киши иштирок этади.

(ЎзТАГ).

ТАШАББУСГА ҚЎШИЛАМИЗ

Бригадамиз коллективи Москва, Ленинград, Волгоград корхоналари ва ташкилотлари коллективларининг Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига 1985 йил 4 май куни Бутуниттифоқ коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги янги ватанпарварлик ташаббусини зўр қувонч билан қарши олди.

Айниқса бу ташаббус биз, уруш қатнашчиларини янада тўлқинлантириб юборди. Совет кишилари Ватанимизнинг янада равнақи учун, тинчлик учун барча имкониятларни ишга солишлари керак. Шундай қилайликки, осмонимиз доимо мусаффо бўлсин, бизнинг болаларимиз ва невараларимиз ҳеч қачон урушни кўрмасин. Бўлажак шанбаликнинг ғоят муҳимлигини биз қалбдан ҳис этамиз. Чунки шу куни ишлаб топилган иш ҳақи эвазига уруш ва меҳнат ветеранлари учун шифохоналар ва госпиталлар қуриш мўлжалланмоқда, аҳолига медицина ва маиший хизмат кўрсатишни яхшилашга ҳаракат қилинмоқда.

Болтабой Қурбонов бошлиқ бригадада мана ўн икки йилдирки, дурадгор бўлиб ишлаб келмоқдаман. Бизлар москвалик, ленинградлик ва волгоградликларнинг чақириғига «лаббай» деб жавоб бердик ва 4 май куни уюшқоқлик билан шанбаликка чиқишга, тежаб қолинган материал ва хом ашё ҳисобига меҳнат қилишга аҳд қилдик.

Биз ҳозирда муҳим объектлардан бири — В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг қуюв цехини бунёд этмоқдамиз.

Хуллас, 1985 йилнинг 4 майида биз бир тан, бир жон бўлиб сменага чиқамиз. Бу оддий иш куни бўлмайди. Бу тинчлик, меҳнат байрами бўлиб, урушдан қайтмаган кишиларнинг хотираси учун кўрсатилаётган ҳурмат бўлади. Бригадамиз эса Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига қадар ярим йиллик топшириқни бажарганлиги ҳақида ғалаба рапорти беради.

И. ЗАХАРОВ,
«Ташпромстрой» бирлашмаси 50-қурилиш-монтаж бошқармаси дурадгори, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.

ҒАЛАБА БАЙРАМИГА — МЕҲНАТ БАЙРАМИ

Тошкент меҳнатчилари қаҳрамон шаҳарлар — Москва, Ленинград, Волгоград корхоналари ва ташкилотлари коллективларининг совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабасининг 40 йиллигига бағишлаб, 4 май куни Бутуниттифоқ коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги ватанпарварлик ташаббусига якдиллик билан қўшилмоқдалар.

КОНВЕЙЕРДА ТЎҚҚИЗ ҚАВАТЛИ УЙ

Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасига қарашли 4-уйсозлик комбинатининг 2-қурилиш конвейерлари бошқармасида меҳнат қилаётган Виктор Демидов бошлиқ комплекслашган коммунистик меҳнат бригадаси коллективи Беруний проспектида тўққиз қаватли 90 квартирали уйнинг конструкциялар и н и конвейер усулида монтаж қилмоқда. Бу ерда панеллар қурувчилар тили билан айтганда, конвейер методи асосида ўрнатилянти. Бу эса қурилиш-монтаж ишларини тезлаштириш, харажатни камайтириш имконини бермоқда.

Бунёдкорлар Злобининнинг бригада пудрати методи асосида ишлашиб, кунлик топшириқларини 20 — 25 процент оширяб адо этмоқдалар. Бригадада 22 киши меҳнат қилади. Уларнинг ҳаммаси турдош касбларни пухта эгаллаб олишган. Меҳнат интизомига, технологияга қатъий риоя этиш муваффақиятларга эришишда муҳим омил бўлиш билан бирга, иш сифатини яхшилашга ҳам имкон яратмоқда.

• Ишчи мухбирлар посги хабар қилади

МАШИНАСОЗЛАРНИНГ ЗАРБДОР ВАХТАСИ

● РЕСПУБЛИКА ДАЛАЛАРИДА ЧИГИТ ЭКИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА ● «ЎЗБЕКСЕЛЬМАШ» КОЛЛЕКТИВИ ПЛАНГА ҚЎШИМЧА 320 УНИВЕРСАЛ СЕЯЛКА ИШЛАБ ЧИҚАРДИ ● ҚУЮВЧИЛАРНИНГ «ТЎРТ ОЙЛИК ПЛАН — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ!» ШИОРИ ОСТИДАГИ ТАШАББУСИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ.

Ўлкамизда авжи баҳор. Қишлоқ меҳнаткашлари учун масъулиятли дамлар бошланди — экиш-тикиш мавсуми давом этмоқда. «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ҳам қайноқ меҳнат билан банд. Ҳозир ҳар бир ишчи бўлажак ҳосил тақдирига даҳлдор эканлигини ҳис этиб турибди, деҳқон тиришилари билан яшаяпти.

Бу ташаббусни машинасозлар кенг қўллаб-қувватлашди. Мана унинг биринчи якуни. Яқинда завод коллективи муҳим топшириқни бажарганлиги ҳақида рапорт берди — йил бошидан бери қишлоққа 2400 та универсал чигит экиш сеялкаси юборилди.

Шу кунларда темирчилик-пресслаш цехининг А. Болтаев бошлиқ рама пайвандчилар бригадаси зарбдорона меҳнат қиляпти.

Участка ишнинг аниқ ташкил этилиши, ўхшаш касбларни бириш. ишчиларнинг юксак малакаси, моддий ресурсларни тежаш — бу бригадада маҳсулот ишлаб чиқаришни анча ошириш имконини берди. Бригада ҳозир ойнга бешта ортиқ рама тайёрлаяпти. Коллектив биринчи квартал топшириғини муваффақиятли адо этиб, яхши меҳнат кайфияти билан ишлаяпти, смена топшириқларини 130 — 140 процентга етказиб адо этяпти.

Шу куни штампаловчи Т. Ковтун энг юксак унумдорликка эришди. Яқинда шогирд бўлган бу ишчи касб маҳоратининг кўпгина сирларини эгаллади, метизлар участкаси комплекс бригадасининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. Т. Ковтун юқори самара билан ишлаб, сифатли маҳсулот тайёрлаяпти.

Универсал сеялкалар ишлаб чиқарадиган механика-йиғув цехи коллективи ҳам қуювчилар ташаббусини қўллаб-қувватлади. Коммунистик меҳнат зарбдори, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, токарь-револьверчи В. Добрянин тўрт ойлик топшириқни В. И. Ленин туғилган кунгинг 115 йиллиги арафасида бажарди. Ветеранинг ҳар бир сменаси зарбдорона бўляпти. У ишлаб чиқариш топшириқларини 130—135 процентга бажаряпти.

Иккинчи ва учинчи даражали Меҳнат Шуҳрати орденлари кавалери электрпайвандчи В. Сисунов қуювчиларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлади. Юксак малакали ишчи маҳсулотни биринчи тақдимда, юқори сифатли қилиб топширяпти.

Бирлашмада Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига кенг қулоч ёйган социалистик мусобақа машинасозларни биринчи ярим йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга жалб этишда кучли туртки бўлди.

«Ўзбексельмаш»чилар биринчи квартални юксак кўрсаткичлар билан якунлашди. Деҳқонларга беш йиллик бошидан бери графикдагига қўшимча 320 универсал сеялка, 250 тупроққа гербицид соладиган мослама юборилди. Топшириққа қўшимча қишлоқ хўжалиги машиналарига 102 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилди. Бунга меҳнат унумдорлигини ўстириш эвазига эришилди. Корхонада ўтган йилгига нисбатан меҳнат унумдорлиги 13 процент ўсди.

Социалистик мусобақа ташаббускори, қуюв цехи коллективи юксак кўтаринкилик билан меҳнат қиляпти. Улар янада рекорд кўрсаткичларини қўлга киритишди: 11 апрелда коллектив асосий кўрсаткичлардан бири бўлган чўян қуйиш бўйича тўрт ойлик топшириқни муддатидан илгари бажарганлиги ҳақида рапорт берди.

Машинасозлар шу долзарб кунларда пахтакор колхоз ва совхозларга янги машиналардан етказиб бериш, механизаторларни ремонт учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар билан ўз вақтида таъминлаш учун барча ишларни қилишяпти. Зарбдор вахта давом этмоқда.

«Тошкент оқшоми» ишчи мухбирлар посги — кўп нусхали «Фрунзевец» газета редакцияси.

• *Маданият хабарлари*

ЛЕНИНГРАДЛИКЛАР МАМНУН

Ўтган йили Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги муносабати билан Ленинградда «Ўзбек халқ амалий санъати» кўргазмаси очилган эди.

Яқинда Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги номига СССР халқларининг Давлат этнография музейи дирекциясидан миннатдорчилик мактуби келди. Унда кўргазманинг ташкилотчилари — ЎзССР Давлат санъат музейи амалий санъати бўлимн мудирн Д. Г. Зильпер, Бадиий кўргазмалар дирекцияси ходимларн Р. Ў. Хўжаева, И. В. Сучконаларнинг хизматлари алоҳида қайд этилган.

1984 йил, август-сентябрь ойида намойиш қилинган миллий санъатимиз кўргазмасига 24 мингга яқин киши ташриф буюрди, санъатимиз билан танишган. Ўзбек халқ амалий санъати намуналари ленинградлик томошабинларга манзур бўлганлиги қувончлидир.

М. АҲМЕДОВ.

ЖАСОРАТНИ КУЙЛАБ

Кўтаринки руҳда ёзилган бу бадиий композиция жуда шўхчан ва жозибадор ижро этилади. «Ғалаба куни» деган мазкур вокаль-хореографик номер яқинда Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи ашула ва рақс ансамбли репертуаридан ўрин олди.

Буюк Ғалабанинг қирқ йиллигига бағишлаб сақналаштирилган яна бир вокаль-хореографик композиция эса «Армия ҳамиша марш-да» деб номланди. Бу музикали программа ҳам ўзига хос услубда таъсирчан куйланади, ундаги рақслар солдатча руҳда талқин этилади.

Ансамбль Буюк Ғалабага янги катта концерт тайёрлади. Юқорида айтиб ўтилган бадиий композицияларнинг ушбу программага киритилди. Шунингдек унда машҳур совет композиторларин и н г мардлик ва қаҳрамонликни мадҳ этувчи қатор қўшиқлари бор.

ҲЕЧ КИМ, ҲЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ

ҒАЛАБА ЙЎЛЛАРИНИ ЭСЛАБ

Газета комплексида ветеранлар — Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг ёш журналистлар билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувни Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениесининг раиси, Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг раиси Ш. С. Қурбонов олиб борди. У журналистлар даврасида яхши анъана — авлодлар учрашуви пайдо бўлганлигини таъкидлаб ўтди. Матбуотнинг ёш вакиллари устозларидан ҳар қанча ўргансалар арзийди.

...Улар ён дафтар ва ручкасиз ишлашга, ҳеч нарса ёзмасликка, суҳбатдошининг гапини тингламасликка ҳеч қачон одатланишган эмас. Бу сафарги бўлган учрашув ҳам худди ана шундай бўлди. Урушнинг машаққатли йўлларини босиб ўтган, жангоҳ оловларида тобланган Ўзбекистон журналистларининг кўпчилиги бугунги кунда ҳам меҳнат қилмоқдалар, хотираларини ёшлар билан ўртоқлашмоқдалар. Кексалик гаштини сураётган журналистлар эса газета ва журналлар, радио ва телевидение редакцияларн билан алоқани давом эттирмоқдалар.

Барча ветеранларнинг исм-шарифларини бирма-бир санаб чиқиш қийин. Улар жуда ҳам кўпчилик. Бундай мўътабар қаламкаш устозлар орасида Б. М. Шатуновский, И. К. Костиков, Л. Ҳамроев, Н. П. Ковинев, М. Ф. Савельев, А. Т. Исамуҳамедов ва бошқалар бор. Улар бугунги кунда тарих саҳифаларига айланиб қолган шонли Ғалабамизнинг йўлларн ҳақида ҳаяжон билан ҳикоя қилиб бердилар.

Журналист Н. П. Ковиневнинг ижодини ҳамкасблари яхши билишади. Эндиликда у кексалик гаштини сурмоқда. Лекин бу инсон уруш йилларида ҳарбий мухбир бўлганлигини ҳамма ҳам билмаса керак. У душман дзотини кўкраги билан беркитган Александр Матросовнинг жасорати ҳақида биринчи бўлиб хабар берган оташин журналистдир. Учрашувда журналистика ветерани ҳаётининг ана шу лавҳаси ҳақида гапириб берди. Ветеранлардан А. Зиёмов фронт ҳақида қатор ёзилган китоблар муаллифидир. Шунингдек, М. А. Азатьян ва бошқалар ҳам жанг хотиралари ҳақида ўртоқлашишди.

З. А. Назарова — ҳозирда «Билим» жамиятининг штатсиз лектори, жамоат иши билан шуғулланмоқда. Урушнинг машаққатли йилларида жанг майдонларига шитоб билан кириб борган, ҳукумат мукофотларини олишга сазовор бўлган. Шундан кейин у совет журналистлари группасида Польшанинг Майданек ўлим лагерида фашистларнинг қонхўрликларини ўз кўзи билан кўрган ва Нюренберг суд мажлисида қатнашган...







Ёшларнинг ўз устозлари изидан собит қадамлар билан бораётганлиги ҳақидаги ҳикояларни тинглаш ҳам мароқли бўлди. Учрашув қатнашчиларни жангоҳларда қаҳрамонона курашган қуролдошларининг номларини фахр билан тилга олдилар.

* * *

Суратда: учрашув қатнашчилари.

Х. Шодиев фотолари.

Ш У КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

«Ўзбексельмаш» заводи Эфиопияга пахтачилик учун машиналар бўйича давлат махсус конструкторлик бюросида ишлаб чиқилган «СХУ —4» сеялкасининг янги туркумини юборди. Бундай такомиллашган янги сеялка чет элга биринчи марта жўнатилди. У моҳияти билан бундай машинанинг иккитаси ўрнини босади. Турли қатор ораларда яхши ишлайди. Корхона бу йил ўзининг маҳсулотини Танзанияга ҳам биринчи марта юборади.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб совет 11 да Тошкентда 24 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 13—15, эртага кундузи 30—32 даража иссиқ бўлади.

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

МУСОБАҚА ТАЪСИРЧАН ВА ҚАМРОВЛИ БЎЛСИН

Шартнома мажбуриятларини аниқ бажариш, аъло сифатли буюмлар ишлаб чиқариш—ҳар бир ишлаб чиқариш коллективининг бурчи

Таъминот интизомига риоя этайлик

ЛЕНИН ВА ФРУНЗЕ РАЙОНЛАРИ МУСОБАҚАСИ

Интенсивлаш проблемаларини ҳал этиш билан бирга корхоналар бир маромда ишлаши, технология, план ва меҳнат интизомига қатъий риоя этилиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш лозим.

М. С. ГОРБАЧЕВ.

Мусобақадош районларнинг саноат корхоналари коллективлари шу йилнинг январь—март ойларидаги ишлаб чиқариш фаолияти асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларини муваффақиятли адо этдилар. Тошкент шаҳар статистика бошқармасининг маълумотларига қараганда, саноат маҳсулоти реализациясн ҳажми бўйича биринчи квартал топшириғининг Ленин районн 2,1 процент, Фрунзе районн 0,5 процент ортиғи билан адо этди. Бу фақат Ленин районига планга қўшимча 1.125 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб реализация қилиш имконини берди.

Ленин районида товар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми планга нисбатан 101,4 процентни, Фрунзе районида 98,6 процентни ташкил этди. Ленин районида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан товар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати 6,6 процент юксалди; Фрунзе районида бу кўрсаткич бажарилмади (98.1).

Ленин районида меҳнат унумдорлиги планн 101,5 процент бажарилди, Фрунзе районида эса топшириққа нисбатан 3 процент пасайиш юз берди. Бунда сўнгги йилда Ленин районида меҳнат унумдорлигини ўстириш суръати 6,4 процент юксалди. Фрунзе районида 3,1 процент пасайди. Ленин районида товар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига ўсишн 98,5 процентни, Фрунзе районида нолни ташкил этди.

Районларда меҳнат унумдорлигини планга қўшимча ўстириш (1 ва ундан кўпроқ процентга) ва маҳсулот таннархини пасайтириш (0,5 процентга) бўйича социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажарган корхоналар талайгина. Булар қаторида 1-авторемонт заводи, картон-таралар заводи, «Учқун» тўқимачилик-галантерея бирлашмаси, Модалар уйи (Ленин район), эксперимental фурнитура-пластмасса заводи, республика қурилиш министрлигининг эксперимental механика заводи, «Узэнерголегпром», «Узбеккинодеталь» (Фрунзе район) ва бошқа корхоналар бор.

Бироқ, асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар ва мажбуриятларни ҳамма корхоналар уддалади, деб бўлмайди. Жумладан, «Ташхимсельмаш» заводида (Ленин район), товар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бўйича уч ойлик планнинг бажарилиши таъминланмади, тўқимачилик комбинатида ҳам (Фрунзе район) шундай аҳвол рўй берди.

Районларда меҳнат унумдорлигини ўстириш бўйича планни ҳамма корхоналар уддалади деб бўлмайди. Булар қаторида «Ташхимсельмаш» заводи, 8-эксперимental авторемонт заводи, асфальт-бетон заводи (Ленин район), тўқимачилик комбинати, «Промстройкомплект» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Узбекохотрибаксоюз» ишлаб чиқариш корхоналари бошқармаси (Фрунзе район) каби корхоналар бор.

Шу билан бирга бир қатор корхоналар меҳнат унумдорлигини қўшимча ўстиришни таъминлаш бўйича илгари қабул қилинган мажбуриятларини (1 процентга) бажармадилар. Булар қаторида электротехника заводи, «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташхимсельмаш», химия-фармацевтика заводлари (Ленин район), тўқимачилик комбинати, «Промстройкомплект» бирлашмаси (Фрунзе район) каби корхоналар бор. Маҳсулот таннархини планга қўшимча арзонлаштириш бўйича мажбуриятларни (0,5 процент) «Средазэлектроаппарат» бирлашмасининг Тошкентдаги заводлар группаси, «Промстройматериал» бирлашмасининг тажриба механика, «Таштекстильмаш» заводлари қурилиш материаллари комбинати каби корхоналар бажаришмади.

Бир қатор корхоналар ўз буюртмачиларн олдида қарздор бўлиб қолдилар — шартнома мажбуриятлари бўйича таъминотни ҳисобга олган ҳолда маҳсулот реализация қилиш планининг бажарилишини таъминлашмади. Булар қаторида «Средазэлектроаппарат» бирлашмаси, «Ташхимсельмаш», электрон техника, тепловоз ремонти (Ленин район) каби заводлар, тўқимачилик комбинати, 1-пойафзал фабрикаси, «Таштекстильмаш» заводи (Фрунзе район) каби корхоналар бор.

Химия-фармацевтика заводи, «Қизил тонг» тикувчилик бирлашмаси, каноп фабрикаси (Ленин район), тўқимачилик комбинати, пардозлаш трестининг қурилиш материалларн заводи (Фрунзе район) товар маҳсулот таннархининг анча қимматлашиб кетишига йўл қўйдилар.

Сўнгги йилда Ленин районида кенг истеъмол буюмларн ишлаб чиқариш суръати 1,8 процент юксалди, Фрунзе районида 2,3 процент пасайди. Тошкент химия-фармацевтика заводи, каноп фабрикаси, «Ташхимсельмаш» заводи, тўқимачилик комбинати, 1-пойафзал фабрикаси, «Промстройкомплект» бирлашмаси кенг истеъмол буюмларн ишлаб чиқариш бўйича квартал планнн уддалай олишмади.



ТОШКЕНТ ТЕПЛОВОЗ ДЕПОСИ. Транспорт корхонаси коллективи халқ хўжалиги юкларн ташиш бўйича йиллик планнн 28 декабрда бажариш муносабатн олдн. Бу топшириққа қўшимча 300 миллион тонна-километр йўл босиш имконини беради. Бундан ташқари, транспорт техникасини яхшилаш, профилактик ремонт қилиш, локомотивни, шу жумладан, оғир юкли поездларни бошқаришни такомиллаштириш ҳисобига 400 тонна ёнилғи тежаладн. Мажбурият муваффақиятли бажарилаптн.

СУРАТДА: мусобақа пешқадамлари (чапдан-ўнгга) слесарь К. Туркин, электрэкипаж цехи назоратчи-қабул қилувчиси В. Щербакова, слесарь М. Валиев.

Н. Ключнев фотоси.

Шу йилнинг январь—март ойларидаги социалистик мусобақа якунини бугун Фрунзе район партия комитети саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа бўлими мудири Ш. НИЗОМОВ шарҳлайди:

— Мусобақадош районларнинг корхоналарида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарори асосида шартномаларнинг бажарилишига корхоналар масъулиятини оширишга қаратилган тадбирларнинг бажарилиши таъминот интизомини мустаҳкамлашга қаратилган курашга янги туртки берди. Ўз шериклари олдидаги мажбуриятларини ўз муддатида, белгиланган ассортиментда ва ҳажмда бажараётган ва буюмлар, материаллар, ускуналарни ўз вақтида ортиб жўнатаётган бирлашмалар, заводлар, фабрикалар икки районда ҳам талайгина. Сўнгги пайтда жойларда шартнома шартлари бузилиши, план ва технология интизомига риоя қилиниши, буюмларни белгиланган ассортиментда ишлаб чиқариш топшириқларининг бажарилиши учун масъулиятни ҳис қилиш кучайди.

Шу билан бирга, ҳали истеъмолчилар буюртмасини тўла бажармаётган корхоналар талайгина. Улар Фрунзе районида ҳам бор. Булар орасида тўқимачилик комбинатини кўрсатиш мумкин. Жумладан, биринчи квартал якуни бўйича ип-газлама ишлаб чиқариш бўйича план 95 процент; ип ишлаб чиқариш бўйича топшириқ 80,4 процент адо этилди.

Тўғри, корхона умуман асосий кўрсаткичлардан бўлган маҳсулот реализация қилиш бўйича топшириқни бажарди, лекин товар маҳсулот бўйича планни уддалай олмади.

Қолоқликнинг сабаблари нима? Сабаби кўп. Шулардан бири шериклар панд бераётганидир. Жумладан ўхшаш корхона бўлган Фарғона тўқимачилик комбинати белгиланган ҳажмдаги сурпни етказиб бермади.

Бироқ, корхонада мавжуд резервлардан тўла фойдаланиляпти, деб бўлмайди. Сўнгги йилларда Тошкент тўқимачилик комбинатининг учта филиали, оҳорлаш-мерсиризациялаш корпуси ишга туширилди. Талайгина янси ускуналар ўрнатилди, буюмлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши эса суст боряпти. Ишлаб чиқаришнинг инженерлик таъминоти сустлиги таъсир кўрсатяпти.

Цехларда талайгина машиналар бекор турибди — бунда раҳбарлар ишчилар етишмаётганлигини баҳона қилишяпти. Шу билан бирга бу ерда меҳнат ва технология интизоми талаблар даражасида эмас. Талайгина ишчилар суст ишлаяпти. Ишга кечикиб келиш, прогул, бракка йўл қўйиш ҳоллари юз беряпти.

Демак, партия ва касаба союз ташкилотлари КПСС Марказий Комитети март (1985 йил) Пленуми ва Ўзбекистон Компартиясининг XVI пленуми қарорлари асосида ишлаб чиқилган тадбирларни амалга ошириш учун кўп меҳнат қилишлари керак.

Таъминотдаги узилишлар 1-пойафзал фабрикасида номенклатура бўйича планнинг бажарилмай қолишига олиб келди (тошкентликларга таъминотчилар турли хил заготовкалардан бир неча минг сўмлигини етказиб бермадилар).

Бироқ, моддий таъминот масалаларини пойафзалчиларнинг ўзлари ҳал этишлари керак. Ўйлайманки, бу ишда Ўзбекистон ССР енгил саноат министрлиги ҳам бир чеккада томошабин бўлиб турмаслиги лозим. Пойафзал бирлашмаси партия комитети сиёсий-тарбиявий ишлар саviясини оширишлари зарур. Бугунги кунда бу ерда меҳнат интизоми даражаси бир қатор цехларда шу кун талабларига жавоб бермайди.

Бошқа корхоналарда планни бажаришда бундай қийинчиликлар юз бермаяпти деб айтолмайман. Бироқ, уларда резервларни маҳорат билан топишади, ресурслардан билиб фойдаланишади. Юксак уюшқоқлик, ишлаб чиқариш жараёнини аниқ ташкил этиш қўл келяпти, шериклар билан алоқалар яхши ҳамкорлик принципида — план интизоми қатъий талаб қилгандек бўлиши учун кўп ишлар қилиняпти.

ИШЧИ МИНБАРИ

ҲАР ТОМОНЛАМА ҚУЛАЙ

1985 йил планига қўшимча 6,5 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилади; меҳнат унумдорлиги тошириғи ўтган йилга нисбатан 118 процент ўстирилади; йил охирида уч кун тежалган ярим фабрикат билан ишланади.

(Тошкент тўқимачилик комбинатининг 1-йигирув фабрикаси тараш цехидаги О. Қурбонов бошлиқ бригаданинг социалистик мажбуриятларидан).

●

Мана уч йилдирки, бригадамиз фабрикадаги кўпгина коллективлар қаторн меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг янги усулига ўтиб ишлаяпти. Янги методда ишлашга ўтиш коллективда ўртоқларча ҳамкорлик, ҳамжиҳатликни вужудга келтирди. Бу ўз навбатида бригада коллективининг иш сифати ва самарадорлигига, меҳнат интизомини янада мустаҳкамлашга ижобий таъсир кўрсатди. Буни шундан ҳам билиш мумкинки, якунловчи йилнинг биринчи квартали мобайнида коллективимиз планга қўшимча 3 тоннадан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарди.

Бугунги кунда ҳар бир ишчининг меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириғини ўтган йилга нисбатан бажариш ўртача 125 процентни, ускуналар самарадорлиги 121 процентни ташкил этмоқда. Бошқача айтганда, ҳар бир тараш машинасида бир соатда пландагн 76,7 килограмм ўрнига 96,6 килограмм хом ашёга ишлов берилмоқда. Айниқса бригадамиздаги тараш машиналарининг операторлари Ҳури Тешабоева, Альфия Хазиметова, Меҳринисо Мирзаевалар юқори унумда меҳнат қилишаяпти. Улар тармоқ нормадаги 20 та ўрнига 23—24 тадан тараш машиналарини бошқариб, план-топшириқларини 120—122 процентга етказиб адо этишяпти. Айни пайтда уларнинг моддий манфаатдорлиги ҳам тинмай ўсмоқда. Илғор ишчиларнинг ойлик маоши бугунги кунда коллектив янги усулда ишлашга ўтгунга қадар бўлганига нисбатан 40—50 сўмга ортди.

Фабрикада совет халқи немисфашист босқинчилари устидан қозонган Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига даvом этаётган социалистик мусобақада фаол иштирок этаётган бригадамиз коллективи шонли санагача планга қўшимча топширилган маҳсулотни 4 тоннага етказишга аҳд қилган. Биз бу ваъдамизни албатта бажарамиз.

О. ҚУРБОНОВ,
Тошкент тўқимачилик комбинати 1-йигирув фабрикасининг тараш цехи таровчилар бригадаси бошлиғи.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

АНТИФАШИСТЛАРНИНГ КЕСКИН НОРОЗИЛИГИ

ПРАГА. Чехословакия антифашист курашчилар союзи «Адольф Гитлер», «Ўлик бош» эсэсчи дивизиялари ва гитлероген нацист ташкилоти муртадларининг шу йил 3 майдан 12 майгача ГФРда ўтказилиши мўлжалланаётган йиғинларига қарши кескин норозилик билдирадилар, дейилади Чехословакия антифашист курашчилар союзининг бу ерда тарқатилган баёнотида.

Барча халқлар фашист асоратидан озод бўлинганлигининг 40 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётган вақтда бундай йиғин очиқдан-очиқ иғвогарлик, фашизм қурбонларини таҳқирлашдир. Эсэсчи каллакесарлар инсониятга қарши сон-саноқсиз жиноятларни амалга оширдилар. Ҳарбий асирлар ва қамоқ лагерларининг тутқинларини, гитлерчилар оккупация қилиб олган территориялардаги тинч аҳолини вақшиёна усуллар билан қириб ташладилар. СС ташкилоти Нюрнберг процессида қонундан ташқари, деб эълон қилинди, унинг жиноий фаолияти таъқиқланди.

Фашист жаллодлари дақшатли қийноқларга солган ва ўлдирган 360 минг ватандош хотирасига содиқ бўлган Чехословакия антифашист курашчилар союзи ГФР ҳукумат органларидан ҳозирлик кўрилаётган иғвогарлик йиғини ман этилишини, шунингдек нацизм ва фашизмни тарғибот қилишга чек қўйилишини талаб этмоқда, деб таъкидланади баёнотда.

ИНТЕРБРИГАДА ВЕТЕРАНЛАРИНИНГ СОВҒАСИ

ВАШИНГТОН. Бу ерда «Авраам Линкольн номли бригададан — Никарагуа халқига» деган шиор остида Никарагуага махсус жиҳозланган еттита санитар автомобилини совға қилишга бағишланган тантаналн маросим бўлиб ўтди. Бу автомобиллар Испаниядаги гражданлар урушн йилларида интернационал бригада составида жанг қилган Америка ветеранларн тўплаган пулга сотиб олинган.

Шу муносабат билан ташкил этилган матбуот конференциясн қатнашчилари суверен Никарагуага нисбатан Рейган маъмурнятининг агрессив сиёсатини қоралашдилар. Улар Никарагуа территориясида бебошлик қилаётган аксилинқилобчи тўдаларга кўрсатилаётган ёрдам бериш Вашингтон ёрдамини Гитлер Германиясн Франко режимига кўрсатган мадад билан таққосладилар.

«Биз президент Рейган гўё Америка халқи Оқ уйининг Никарагуанинг қонунний ҳукуматини ағдариб ташлашга қаратилган сиёсатини қўллаб-қувватлаяпти, деб таъкидлаётганлигидан ғазабланамиз,— деди Никарагуа халқига медицина ёрдами кўрсатиш учун маблағ тўплаш умуммиллий кампания ташкилотчиларидан бири бўлган У. Сасмэн. — Афкор омма фикрини сўраб билиш натижалари америкаликлар бу жиноий сиёсатни қоралаётганликларини кўрсатиб турибди.. Никарагуа халқига қарши дақшатли жиноятлар қилаётган «контрас» тўдаларини МРБ маблағ билан таъминлаб, уларнинг ҳаракатини бошқариб турибди. Рейган маъмурияти ажратиб бераётган пулга аксилинқилобчилар учун қурол-яроғ харид қилямоқда. Биз эса олдий америкаликлардан маблағ тўплаб, уни Никарагуа халқига медицина ёрдами кўрсатиш учун юборамиз».

Авраам Линкольн номидаги бригада ветеранлари номидан У. Сасмэн Никарагуанинг АҚШ даги элчиси Карлос Таннерманга совға машиналарининг калитларини берди ва «Никарагуа учун медицина ёрдами» ташкилоти тузилганлигини маълум қилди. Бу ташкилот Никарагуа халқига маблағ тўплаш умуммиллий кампаниясини давом эттиради.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

БУХАРЕСТ. Руминиянинг Билад шаҳридаги подшипник заводида 500 миллионинчи подшипник тайёрланди. Бу корхона халқ хокимияти дастлабки йилларида Совет Иттифоқининг техникавий кўмаги билан қурилган эди.

Ҳозир Билад подшипник заводи — РСР машинасозлик саноатининг энг замонавий корхоналаридан биридир. Бу ерда мамлакатда ишлаб чиқарилаётган барча подшипникларнинг 35 процентн тайёрланмоқда.

* * *

РИМ. Тинчлик учун курашувчи Рим комитети Италия пойтахтини ядро қуролидан ҳоли зона деб эълон қилишга даъват этди. Комитет делегацияси Рим мэри Уго Ветере ҳузурида бўлиб, шу таклиф баён қилинган ҳужжатни унга топширди. Комитетнинг бу ташаббуси Англия Шеффилд шаҳри мэри Дэвид Бланкетнинг Римга қиладиган визитига бағишланди. Шеффилд—Буюк Британиянинг ўз территориясини ядро қуролидан холи зона, деб эълон қилган 150 та аҳоли пунктидан биридир.

Рим муниципалитетида бўлиб ўтган маросимда Дэвид Бланкет бундай тадбирларнинг муҳим аҳамиятини таъкидлади. Тинчлик ва қуролсизланиш учун кураш, деб ўқтирди у, омма сиёсий етуклиги ва онглилигининг ўсишига ёрдам беради. Рим мэри ўз навбатида тинчлик учун курашувчи Рим комитетининг таклифига ижобий баҳо берди.

* * *

НЕАПОЛЬ аҳолиси 1980 йилги зилзила оқибатларини тугатишда маъмурлар сусткашлик қилаётганига қарши норозилик намойиши ўтказди. Улар ўзларига дархол уй-жой берилишини талаб қилиб шаҳар кўчаларидан ўтдилар. Беш йил муқаддам табиий офатдан зарар кўрган кишиларнинг кўпчилиги ҳозир ҳам баракларда, автофургонларда ва темир йўл контейнерларида яшашга мажбур бўлмоқдалар. Намойиш қатнашчилари ўз оилаларн ғарибона яшаётганликларини, санитария шартларига зид жойларда яшаш эса юқумли касалликларнинг бошланиб кетишига сабаб бўлажагини таъкидладилар.

1980 йилда рўй берган зилзила натижасида мамлакат жанубий районларининг аҳолисидан 3 миллиға яқин киши ҳалок бўлди ва юз минглаб киши бошпанасиз қолди.

* * *

АДДИС—АБЕБА. Шу кунларда Эфиопиядаги ўнлаб шаҳар ва посёлкаларда биринчи марта электр чироқлари порлай бошлади. Мамлакатнинг турли районларида узоқ масофаларга чўзилиб кетган бир нечта электр линияси фойдаланишга топширилди.

Бале вилоятида электр линияси ва электр тақсимоти станцияси ишга тушди. Эфиопия ишчи партияси вилоят комитетининг биринчи секретари Гезахен Ворке станцияни ишга тушириш маросимида нутқ сўзлаб, вилоятнинг электрлаштирилиши илгари қолоқ бўлган районларга тараққиёт ва равнақ келтиради, деб уқтирди. Электрлаштириш Баледа замонавий саноатни ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш учун асос солди.

Электр линияларининг мачталари Уоллег вилоятининг тоғ қиёфасини ўзгартириб юборди. 56 километр узунликда юқори вольтли линия Финч дарёсидаги электр станцияни Шамбо шаҳри билан боғлади. 50 километр узунликдаги юқори вольтли симлар орқали ток Сидамо вилоятидаги Улето-Уондо, Агарэ-Сэлам ва Боре посёлкаларига етиб келди. Котебе, Дэбрэ-Бирхан ва Камболоча шаҳарлари томон тортилаётган электр линияларини монтаж қилиш ишлари ҳам яқинда тугайди.

* * *

АФИНА. Грециядаги энг йирик Порт-Пирей механикаштарн хўжайинларининг маҳаллий кемасозлик корхоналарини ёпиб қўйиш ва беш мингга яқин кишини ишдан бўшатиш ниятига қарши касаба союзларининг даъвати билан икки соатлик норозилик умумий забастовкасини ўтказдилар. Иш ташловчилар ҳукуматни кемасозлик корхоналарини национализация қилишга даъват этдилар.



БРЮССЕЛЬ. Бельгия пойтахтида мамлакатда Американнинг қанотли ракеталарн ўрнатилишига қарши кўп кишилик митинг бўлиб ўтди. У қирғин қуролларининг Бельгия ерида жойлаштирилишига қарши оммавий намойишга айланди. Ўн минглаб кишилар мамлакатнинг турли жойларидан келиб, ўзларининг уруш-га қарши фикр ва мулоҳазаларини билдиришга ҳаракат қилишди. Бельгия пойтахтининг Рожье майдонида ўтказилган митингда оммавий намойиш раҳбарлари сўзга чиқишди.

СУРАТДА: Брюсселда ўтказилган оммавий намойиш қатнашчилари.

ЭГИЛУВЧАН КЕМА

Токио технология институтининг бир группа мутахассислари ўзига хос эгилувчи кема устидаги тадқиқотларини ниҳоясига етказдилар. Уларнинг фикрича, бундай кемаларнинг келажаги порлоқ эмиш. Янги кема моделидаги моторнинг винти ўрнига дельфиннинг эгилувчан думига ўхшаган қурилма ўрнатилган. У кеманн ҳаракатга келтиради. Мутахассисларнинг фикрича, уларнинг ихтироси кема тезлигини кескин ошириши мумкин. Шу билан бирга оддий кемаларга қараганда у 30 процент кам ёқилғи сарфлайди.

Ташвишли сигнал

ХЎЖАСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Октябрь революцияси номли тепловоз ремонт заводи коллективи 1985 йил учун қабул қилган социалистик мажбуриятларда шундай сатрлар бор: «Қора металлар сарфи (тасдиқланган нормаларга нисбатан) 160 тоннага, рангли металлар сарфи 10 тоннага камайтириладн». Шуни тахмин қилиш мумкинки, металл сарфини камайтириш ва қайта ишлагандан сўнг рангли металлни тежаш барча участкаларда тежамкорлик режимига қатъий амал қилишнинг муҳим омили, ишлаб чиқариш маданияти элементи бўлиб қолди.

Лекин ишлаб чиқаришдаги рангли металларни йиғиш бўйича ишлар билан таништиб, беихтиёр шундай хаёлга борасан кишн: бу ерда ишга ҳўжалик ходими кўзи билан қараш, халқ контролининг активлиги етишмайди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг шу йил март ойида қабул қилган «Халқ хўжалигида рангли металлардан фойдаланишни яхшилаш, иккиламчи рангли металлургияни янада ривожлантириш ва техник даражасини ошириш тўғрисида»ги қарорда шу нарса очиқ айтиладики, бир қатор корхоналар ва ташкилотларда рангли металларни қайта ишлаш пайтида ҳосил бўлган лом ва чиқитлар тўпланмайди.

Бундай практика, масалан, тепловоз-ремонт заводида кузатиляпти. Беш йиллик бошида — барча корхона ва ташкилотларда рангли металларнинг лом ва чиқитларини қайта ишлаш ва топширишни янада яхшилаш зарурлиги муҳим давлат аҳамиятидаги вазифа қилиб қўйилди. Бунда рангли металлар чиқитларини группа ва сортлар бўйича (қотишма маркасига қараб), мавжуд стандартларга қаттиқ амал қилган ҳолда топшириш кўрсатиб ўтилган бу иш техника контроли бўлимига юклатилган. Бундан ташқари, рангли металлар ломларини қайта ишлайдиган завод цехларини лойиҳалаш ва қуриш кўзда тутилганди.

Афсуски, тепловоз ремонт заводи ишчилари бу ишга етарли аҳамият беришмаяпти. Мана, кейинги уч йилда «Узторцветмет» ишлаб чиқариш бирлашмаси бу завод раҳбарларига рангли металл ломларини қайта ишлайдиган, шу кун талабларига жавоб берадиган цех (участка) бунёд этишни, металл чиқитларини сортига қараб, пакетлаб топширишни тавсия қилмоқда. Бироқ, юқори ташкилотлар кўрсатмаларидан келиб чиқаётган тавсияларни корхонада назар-писанд қилишмаяпти.

Ўтган йилнинг октябрь ойи бошида шаҳар халқ контроли комитети бу ерда рангли металларни йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш тажрибасини текширди. Рейд мобайнида талайгина нуқсонлар аниқланди. Корхонада анча металлом йўқоляпти, чиқитлар тартибли тўпланмайди.

Заводда танқидий мулоҳазаларимизга қўшилишди. 1984 йилнинг ноябрь ойида халқ контроли мажлисида бу масалани қараб чиқиш пайтида рангли металларни йиғиш, сақлаш ва ортиб жўнатишни тартибга келтириш бўйича тадбирлар белгиланганди. Завод бошлиғи М. Мартьяновга корхонада бу ишда зарур тартиб ўрнатиш, иккиламчи хом ашёни қайта ишлаш бўйича замонавий цех (участка) бунёд этишни тезлаштиришни таклиф этилганди. Хўш, шундан бери нималар қилинди? Завод дирекцияси бир қарашда танқиддан хулоса чиқариш, дейиш мумкин. Корхона бўйича махсус бўйруқ эълон қилиниб, завод цехлари бўйича металлом ва чиқитларни тўплаш, сақлаш, саралаш ва топшириш бўйича масъулиятли кишилар белгиланди. Рангли металлар ломини йиғиш бўйича участка ремонт ва реконструкция қилинди. Завод цехларидан ломларни йиғиш ва ташиш бўйича 20 контейнер тайёрланди. Айбдорларга маъмурий жазо берилди. Завод раҳбарлари «Оқшом»га худди шундай жавоб беришганди. Бу жавоб шу йил 17 январда («Металлни авайлайлик») эълон қилинди.

Бир қарашда муз кўчгандек эди. Лекин февраль ойи охирида заводда бўлганимизда ҳайрон бўлиб қолдик: жавоб ҳақиқатга тўғри келмасди. Рангли металл чиқитларини йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, ҳисоб-китоб қилиш, топшириш ва ортиб жўнатишнинг аҳволи ҳақидаги акт шундан далолат беради. Завод шунда алюмин, никель, темир-никелли аккумуляторлар, қаттиқ қотишма чиқитларини топширишга киришмаганди. Заводда эса иккиламчи рангли металлнинг анчагинаси тўпланиб ётарди.

Мана бундай манзара ҳосил бўлди. Темир йўлларда бўёқчилик цехи ёнида қора ва мис кабель ахлат билан қоришиб ётибди (200 килограммгача). Кислород қурилмасида бўлинмаган сепаратор подшипниклари уч тоннагача (ёки 500 килограмм бронза) ахлатга қоришиб ётибди. Темир йўлларда мис ломлари сочилиб ётибди. Улар тахминан 15 тонна келади.

Омборда рангли металлар уюмини кўриш мумкин. Бу ерда ҳам тартиб йўқ. Металл чиқитларини йиғиш, сақлаш ва ортиб жўнатишни тартибга келтириш бўйича тадбирлар белгиланганди. Завод бошлиғи М. Мартьяновга корхонада бу ишда зарур тартиб ўрнатиш, иккиламчи хом ашёни қайта ишлаш бўйича замонавий цех (участка) бунёд этишни тезлаштиришни таклиф этилганди. Хўш, шундан бери нималар қилинди? Завод дирекцияси бир қарашда танқиддан хулоса чиқариш, дейиш мумкин. Корхона бўйича махсус бўйруқ эълон қилиниб, завод цехлари бўйича металлом ва чиқитларни тўплаш, сақлаш, саралаш ва топшириш бўйича масъулиятли кишилар белгиланди. Рангли металлар ломини йиғиш бўйича участка ремонт ва реконструкция қилинди. Завод цехларидан ломларни йиғиш ва ташиш бўйича 20 контейнер тайёрланди. Айбдорларга маъмурий жазо берилди. Завод раҳбарлари «Оқшом»га худди шундай жавоб беришганди. Бу жавоб шу йил 17 январда («Металлни авайлайлик») эълон қилинди.

Бир қарашда муз кўчгандек эди. Лекин февраль ойи охирида заводда бўлганимизда ҳайрон бўлиб қолдик: жавоб ҳақиқатга тўғри келмасди. Рангли металл чиқитларини йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, ҳисоб-китоб қилиш, топшириш ва ортиб жўнатишнинг аҳволи ҳақидаги акт шундан далолат беради. Завод шунда алюмин, никель, темир-никелли аккумуляторлар, қаттиқ қотишма чиқитларини топширишга киришмаганди. Заводда эса иккиламчи рангли металлнинг анчагинаси тўпланиб ётарди.

Мана бундай манзара ҳосил бўлди. Темир йўлларда бўёқчилик цехи ёнида қора ва мис кабель ахлат билан қоришиб ётибди (200 килограммгача). Кислород қурилмасида бўлинмаган сепаратор подшипниклари уч тоннагача (ёки 500 килограмм бронза) ахлатга қоришиб ётибди. Темир йўлларда мис ломлари сочилиб ётибди. Улар тахминан 15 тонна келади.

Омборда рангли металлар уюмини кўриш мумкин. Бу ерда ҳам тартиб йўқ. Металл чиқитларини йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, ҳисоб-китоб қилиш, топшириш ва ортиб жўнатишнинг аҳволи ҳақидаги акт шундан далолат беради. Завод шунда алюмин, никель, темир-никелли аккумуляторлар, қаттиқ қотишма чиқитларини топширишга киришмаганди. Заводда эса иккиламчи рангли металлнинг анчагинаси тўпланиб ётарди.

Мана бундай манзара ҳосил бўлди. Темир йўлларда бўёқчилик цехи ёнида қора ва мис кабель ахлат билан қоришиб ётибди (200 килограммгача). Кислород қурилмасида бўлинмаган сепаратор подшипниклари уч тоннагача (ёки 500 килограмм бронза) ахлатга қоришиб ётибди. Темир йўлларда мис ломлари сочилиб ётибди. Улар тахминан 15 тонна келади.

Омборда рангли металлар уюмини кўриш мумкин. Бу ерда ҳам тартиб йўқ. Металл чиқитларини йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, ҳисоб-китоб қилиш, топшириш ва ортиб жўнатишнинг аҳволи ҳақидаги акт шундан далолат беради. Завод шунда алюмин, никель, темир-никелли аккумуляторлар, қаттиқ қотишма чиқитларини топширишга киришмаганди. Заводда эса иккиламчи рангли металлнинг анчагинаси тўпланиб ётарди.

Мана бундай манзара ҳосил бўлди. Темир йўлларда бўёқчилик цехи ёнида қора ва мис кабель ахлат билан қоришиб ётибди (200 килограммгача). Кислород қурилмасида бўлинмаган сепаратор подшипниклари уч тоннагача (ёки 500 килограмм бронза) ахлатга қоришиб ётибди. Темир йўлларда мис ломлари сочилиб ётибди. Улар тахминан 15 тонна келади.

Омборда рангли металлар уюмини кўриш мумкин. Бу ерда ҳам тартиб йўқ. Металл чиқитларини йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, ҳисоб-китоб қилиш, топшириш ва ортиб жўнатишнинг аҳволи ҳақидаги акт шундан далолат беради. Завод шунда алюмин, никель, темир-никелли аккумуляторлар, қаттиқ қотишма чиқитларини топширишга киришмаганди. Заводда эса иккиламчи рангли металлнинг анчагинаси тўпланиб ётарди.

Мана бундай манзара ҳосил бўлди. Темир йўлларда бўёқчилик цехи ёнида қора ва мис кабель ахлат билан қоришиб ётибди (200 килограммгача). Кислород қурилмасида бўлинмаган сепаратор подшипниклари уч тоннагача (ёки 500 килограмм бронза) ахлатга қоришиб ётибди. Темир йўлларда мис ломлари сочилиб ётибди. Улар тахминан 15 тонна келади.

Омборда рангли металлар уюмини кўриш мумкин. Бу ерда ҳам тартиб йўқ. Металл чиқитларини йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, ҳисоб-китоб қилиш, топшириш ва ортиб жўнатишнинг аҳволи ҳақидаги акт шундан далолат беради. Завод шунда алюмин, никель, темир-никелли аккумуляторлар, қаттиқ қотишма чиқитларини топширишга киришмаганди. Заводда эса иккиламчи рангли металлнинг анчагинаси тўпланиб ётарди.

Мана бундай манзара ҳосил бўлди. Темир йўлларда бўёқчилик цехи ёнида қора ва мис кабель ахлат билан қоришиб ётибди (200 килограммгача). Кислород қурилмасида бўлинмаган сепаратор подшипниклари уч тоннагача (ёки 500 килограмм бронза) ахлатга қоришиб ётибди. Темир йўлларда мис ломлари сочилиб ётибди. Улар тахминан 15 тонна келади.

Омборда рангли металлар уюмини кўриш мумкин. Бу ерда ҳам тартиб йўқ. Металл чиқитларини йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, ҳисоб-китоб қилиш, топшириш ва ортиб жўнатишнинг аҳволи ҳақидаги акт шундан далолат беради. Завод шунда алюмин, никель, темир-никелли аккумуляторлар, қаттиқ қотишма чиқитларини топширишга киришмаганди. Заводда эса иккиламчи рангли металлнинг анчагинаси тўпланиб ётарди.

Мана бундай манзара ҳосил бўлди. Темир йўлларда бўёқчилик цехи ёнида қора ва мис кабель ахлат билан қоришиб ётибди (200 килограммгача). Кислород қурилмасида бўлинмаган сепаратор подшипниклари уч тоннагача (ёки 500 килограмм бронза) ахлатга қоришиб ётибди. Темир йўлларда мис ломлари сочилиб ётибди. Улар тахминан 15 тонна келади.

Омборда рангли металлар уюмини кўриш мумкин. Бу ерда ҳам тартиб йўқ. Металл чиқитларини йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, ҳисоб-китоб қилиш, топшириш ва ортиб жўнатишнинг аҳволи ҳақидаги акт шундан далолат беради. Завод шунда алюмин, никель, темир-никелли аккумуляторлар, қаттиқ қотишма чиқитларини топширишга киришмаганди. Заводда эса иккиламчи рангли металлнинг анчагинаси тўпланиб ётарди.

Мана бундай манзара ҳосил бўлди. Темир йўлларда бўёқчилик цехи ёнида қора ва мис кабель ахлат билан қоришиб ётибди (200 килограммгача). Кислород қурилмасида бўлинмаган сепаратор подшипниклари уч тоннагача (ёки 500 килограмм бронза) ахлатга қоришиб ётибди. Темир йўлларда мис ломлари сочилиб ётибди. Улар тахминан 15 тонна келади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари–ҳаётга

«КЎПГИНА ХАТЛАРДА ОДАМЛАР САЛБИЙ ҲОДИСАЛАР, ХИЗМАТ МАВҚЕИНИ СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ, ҚУШИБ ЁЗИШ ВА КУЗБУЯМАЧИЛИК, СОВЕТ ҚОНУНЛАРИНИ ВА ПАРТИЯВИЙ АХЛОҚ НОРМАЛАРИНИ БУЗИШ ҲОЛЛАРИ ҲАҚИДА ҲАҚЛИ РАВИШДА ЁЗМОҚДАЛАР».

[Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми материалларидан].

Саломатлик

хақида сухбатлар

● ШИФОКОРЛИК КАСБИНИ ШАРАФЛАШ КЕРАК ● ГИППОКРАТ ҚАСАМИГА ХИЁНАТ ҚИЛИНМАСИН ● МАКТУБЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ, ДЎСТЛАР.

• Яна врач обрўси ҳақида

ОҚ ХАЛАТГА ДОҒ ТУШМАСИН

Сиз бунга нима дейсиз?

«Дам олиш куни. Аям ва ўзимнинг оқ халатларимизни ювиб, дазмол босяпман. Аваллари бундай ишларни ўйнаб-кулиб, гапто қўшиқ айтиб юриб бажарардим. Энди қўлим ишда-ю, ўзим хаёлларга ғарқ бўлиб кетганман.

Оппоқ халат. Шифокорлар нега оқ халат кийишади, фақат гигиена ва озодалик учунми?! Йўқ, деб ўйлайман ўзимча, фақат бунинг учунгина эмас, оқ халат шифокорнинг кўнгли оқлигини, эзгу ниятлар билан бемор қошига келишини ҳам англатиб туради. Тўғри, шунақа пок қалбли врачлар кўп, жуда кўп. Лекин менинг аям-чи?!

Аям шаҳардаги каттагина гинекология бўлими мудири бўлиб ишлайдилар. Мен эсам ҳали студентман, медицина институтида III курсда ўқийман. Бўлажак шифокорман. Шундай дейману, ваҳимага тушаман. Наҳотки, наҳотки мен ҳам эртанидин врач бўлиб, элга хизмат қилганимда аямга ўхшаб беморларнинг қўлига қарайман?! Йўқ, йўқ, бундан кўра бошимга бало тошлари ёғилиб, борлиғим тилка-пора бўлгани яхшироқ эмасми?! Бундан кўра ҳозироқ ўқишни ташлаб, истаган завод ё фабрикага ишга кирганим афзал эмасми?

Аям яхши врач, қўли енгил шифокор, дурустгина обрў-ҳам орттирган. Аямни бир кўрган одам яна кўрсам, дейди. Лекин мана шу оппоқ халатнинг чўнтагига аямга иши тушган беморлар астагина пул солиб қўйишади ёки совға-саломлар беришади. Бундай пайтда аям «Войй, овора бўлманг», деб тил учида айтадилару, бари бир уларга пул ва совғаларини қайтариб бермайдилар. Ҳеч қачон! Аксинча қарашлари, хатти-ҳаракатлари билан совғага, пулга талабгор эканликларини сўзсиз изҳор қиладилар. Сен қаердан биласан, дейишингиз мумкин. Кўрганман, ҳис қилганман.

Куни-кеча Саъдий Шерозийнинг китоби қўлимга тушиб қолди. Шеърларини ўқиб туриб, бирдан оҳ, деб юбордим. Қуйидаги сатрлар мени ўртади:

Таъмага бўйсунмаса ҳар кишн,
У қул эмас, озод ўтар турмуш.
Таъма жамиятдан чиқаргай сени
Уни ҳайдагил, у чиқармай сени.

Э, воҳ, нималар деяпман, мен ўзи?! Ахир қайси фарзанд ўз онаси ҳақида шундай хаёлларга боради? Нима қилай, бу ҳақда аямга кўп марта айтдим. Гоҳ ялинib-ёлбордим, йиғладим ҳам. Гоҳ икковимиз уришиб қолган пайтларимиз ҳам бўлди. «Сен ҳали нимани билардинг, тайёр ошни ичиб, тайёр кийимни кийиб юрибсан-да. Ҳали бошингга турмуш савдоси тушганда, бола-чақалик бўлганингда биласан-да, —дейдилар аям. — Рўзғор тебратишнинг ўзи бўлмайди. Ана ўшанда сен ҳам фойда чиқадиган йўлни излаб қоларсан. Қуруқ маош билан яшаб бўладими?»

«Аяжон, агар сиз қимматбаҳо кийимларга ружу қўймасангиз, бриллиант узук-зиракка пул йиғмасангиз — қуруқ маош билан яхшигина яшаш мумкин» десам, аям «Бўлди, бас, кўп ақл ўргатма менга, ҳар қанча ақл бўлса ўзингга олиб қўй, керак бўлади!» дейдилар.

Ўй-ўйлашдан гоҳ бошим тарс ёрилгудай бўлади, гоҳо «бор-е, менга нима, аям яхши топиб-тутсалар қайтанга мангаям яхши-ю.» дейман. Лекин бари бир виждоним қийналади, тинчим йўқолади. Ичиб турган ошим худди бировнинг насибасига ўхшайди. Ўша аямга совға-салом берган одамлар уй-уйларига боргач, аям ҳақида норози оҳангда кимгадир сўзлаб бераётганларини тасаввур этаман.

Аям врач-гинеколог, дедим. Демак, аямга асосан хотин-қизларнинг иши тушади. Биров фарзанд кўрсам, деб даволангани келади, яна биров бошқа дард билан... Аёлларнинг кўнгли бўш, ўз дардига даво топиш йўлида топган-тутганини аямайди. Аям аёлларнинг ана шу хусусиятидан жуда ўринли фойдалана биладилар. «Мен улардан ҳеч нима сўрамайман, ўзлари беришади», — дейдилар аям сувдан қуруқ чиқиб. «Ўша ўзлари берганда сиз олманг, қўлларини қайтаринг, ҳатто уришиб беринг. Кейин тақрорлашмайди» десам, «Мен олмасам мажбур қилишади ёки билдирмай, чўнтагимга солиб кетишади. Нима, мен уларни қувmanми? Ўзинг биласан, меҳнатимиз оғир, тиним билмай ишлаймиз. Шундай бўлгач, фойдаланамиз-да! Аввалги замонда табибларга қўй етаклаб келишган, бош-оёқ сарупо қилишган. Ҳозир нима, ҳамма яхши топади. Баъзилар савдо соҳасида ишлаб, мўмай даромад қилади. Ана шунақалар берса бериптида. Нима, уларнинг хазинаси камайиб қолармиди?»

«Камаймайди, аяжон, норози бўлишади, қарғашади. Бировда ўша ортиқча пул бор, бировда йўқ. Сиз эса барибир ҳалол яшашингиз керак. Оқ халатга доғ тушурмаслигингиз керак! Меҳнатимиз оғир дейсиз. Улуғ Ватан уруши пайтида қон кечган, жон кечган врачларни тасаввур қилинг. Иккинчидан эса аввалги табиблар ҳеч қаердан ҳеч қандай маош олган эмаслар. Шунинг учун беморнинг ўзидан юлганлар. Яна улар онгсиз, тушунчасиз бўлганлар. Давлат бизни ҳозир ўқитса, кейин ҳамма шароитни яратиб бериб, маош тўлаб ишлатса, меҳнатларни муносиб равишда тақдирлаб турса.. Яна нима керак?»

Аям мен билан тортишиб ўтиришни ҳеч ёқтирмайдилар. Бари бир мен «ноҳақ» бўлиб чиқаман.

Кейинги пайтларда аям олиб келган совғаларини менга кўрсатмайдиган бўлиб қолдилар. Сумкаларини кўтариб, секингина ўз хоналарига ўтиб кетадилар-да, ҳеч нарса кўрмагандай хотиржам чиқиб келадилар. Бари бир, кўзимга тик қаролмайдилар. Мен эсам уйимизга ҳар куни келадиган тортлар, қутичали шоколадлар, биллур идишлар, кийимликларга қиё боқмайман.

Оилада фақат мен, укам, дадам ва аям борлар, холос. Дадам заводда инженер, маошлари яхши, аям ҳам бўлим мудирлигига дурустгина иш ҳақи оладилар. Менинг стипендиям бор. Тинч, ҳалол яшасак, бемалол етади. Лекин уйимизда буюмлар кўп, шифонер тўла кийим-кечак. Холодильникка нарсалар сиғмай кетади. Ўзимиз эса қандайдир асабий, ноаҳил яшаймиз. Нега, нега шундай яшашимиз керак биз, нега?

Буюк олим Альберт Эйнштейн «Шодликни, қувончни кўра билиш, тушуниш —табиатнинг энг гўзал туҳфасидир» деган экан. Биз бундай туҳфадан йироқмиз. Негаки, биз бошқа туҳфалар қулимиз.

Яқинда бир курсдош дугонам билан уларникига дарс тайёрлагани бордим. Онаси мактабда ўқитувчи, дадаси учувчи экан. Уйларини кўриб, ҳавасим келди. Негаки, биттаям ортиқча, дабдабали нарсалар йўқ. Яшаш учун энг зарур мебеллар, энг зарур буюмлар бор, холос. Ҳадемай аяси ишдан келди. У оддийгина, лекин дид билан кийинган, ортиқча зеб-зийнатлари ҳам йўқ. Лекин унинг кўзлари беғубор чарақлар, у шунчалар очиқ чеҳрали, қувноқ эди-ки, таърифига сўз тополмайман. Бир зумда қизи билан, мен билан шундай самимий, хушчақчақ суҳбатлашиб, ҳазиллашиб, ўз ўқувчилари ҳақида яйраб-яшнаб сўзлаб ўтирганида, оғзим очилиб қолди. Унинг сумкаси совғалар билан эмас, болаларнинг дафтарлари билан лиқ тўла эди.

Кейин уларникига қўшни қиз чиқиб қолди. Исми Марҳамат, ўзи медицина асбоблари заводида ишчи экан, маоши 90 — 100 сўм атрофида. Ёлғиз, кекса онаси билан яшаркан. Бу қизнинг маошини суриштириб билишимга сабаб, унинг бизга қарата «Ҳа, бир кун сизлар ҳам пора оладиган врачлар сафига қўшиласизлар-да», деган гапи бўлди. Мен «Йўқ, врачлар пора олмайди, одамлар ёмон, ўзлари беришади» десам. Марҳамат: «Қаёқда, бирор нарса бермагунингча дурустроқ қарашмайди. Масалан, менинг ўтган йили бирдан тўпиғим қайрилиб, синиб қолди. Ортопедия институтида оёғимни енгил операция қилишга тўғри келди. Ёшгина хирург операция қилди. Кейин ўша хирург ёрдамчиси билан оёғимни «перевязка» қилаётиб; нуқул битта гапни такрорлайверди. «Қани энди чарчаб турганингда арман коньяги бўлса —ёнида қазиси билан. Икки қултум ичсанг— чарчоғинг ёзилади-кетади. Шу операциялар, айниқса ёмон чарчатади-да, одамни» деяверди. «Перевязка»ни вақтида ўтказмай, яхши қарамай қўйди. Мажбур бўлдим, ойимларга айтишга. Бўлмаса улар менинг кимлигимни, қанча маош олишимни сўраб билиб олишган. Ойим арман коньягини —қўлдан 25 сўмдан, иккитасини эллик сўмга олибдилар. Кейин 15 сўмга қази топиб, пиширib келдилар. Раҳмат, раҳмат, деб қабул қилишди, денг. Менга муносабатлари ҳам ўзгариб, қўллари бир оз чаққон бўлиб қолди. Эҳ, тағин улар Гиппократ қасамини ичиб. қўлга диплом олишган, тағин улар кўнглимиз оқ, деб эгниларига оқ халат кийиб юришади. Лекин ўзлари вақти келса «қора ишларга» қўл уришади. Тўғри, ҳамма врачлар ҳам шунақа эмас!»

Марҳаматнинг ҳикояси менга қаттиқ таъсир қилди. Врачларни қанча оқлайман, десам, мен ноҳақ бўлиб чиқавердим. Унинг «оддий ишчидан совға талаб қилишди-ю...» деб қош чимиргани ҳеч кўз ўнгимдан кетмай қолди.

Уйга келгач, аямдан Гиппократ қасамёдини айтиб беришларини қўярда-қўймай илтимос қилдим. Аям гоҳ қизариниб, гоҳ ранглари оқариб, тутилатутила ўша қасамни айтиб бердилар.

«Врач деган юксак унвонга сазовор бўлар эканман ва шифокорлик фаолиятимни бошлар эканман, тантанали қасам ичаман: бутун билим ва кучимни инсон саломатлигини сақлаш ва яхшилашга, беморларни даволаш ва касалликнинг олдини олишга сарф қиламан. Жамият эҳтиёжи қаерда талаб қилса ўша ерда ҳалол меҳнат қиламан. Ҳар доим медицина ёрдами беришга тайёр туришга, беморга эътиборли ва меҳрибон бўлишга, врачлик сирини сақлашга, ўз илмим ва шифокорлик маҳоратимни оширишга сўз бераман... Халққа ва мана шу қасамёдга бир умр содиқ қоламан».

Аяжон қасамёдни ёд айтиб, менга мағрур қараб қўйдилар. «Хўш, мен шуларни адо этмаяпманми, ҳаммасини бажараяпман, она қизим, ҳаммасини!» дедилар. «Тўғри, ҳаммасини бажараяпсиз. Лекин «...ҳалол меҳнат қиламан», деганини-чи? Маошдан ташқари олиб келганларингиз ҳалол эмас-ку, аяжон! Кейин шу қасамёдда врач беморнинг қўлига қарасин, деган бирон сўз, ҳатто бирон ишора йўқ-ку! — десам аям мендан яна хафа бўлдилар.

«Сен қанақа қизсан ўзи, Сайёра, обкелсам сенлар учун обкеламан. Бошқа врачларнинг ҳам сендақа қизлари, ўғиллари бор, лекин биронтаси «ғинг» демас! А, қайтанга яхши еб, яхши кийиб юравер, ношукур банда, одамни қон қилвординг-ку!»—дейдилар.

Мен ўйлаб ўйимга етмайман. Бировга айтай десам, ўз онамнинг сирини очиб қўйган бўламан. Ё онамга сабоқ бўлсин, деб ўқишни ташлаб кетай дейману, яна кўзим қиймайди. Врач бўлишни, кимнингдир дардига дармон топиб, унинг миннатдор чеҳрасини кўришни жуда-жуда орзу қиламан. Лекин аям айтганларидек, бола-чақалик бўлганимда мен ҳам ўзим сезмаган ҳолда бировнинг қўлига қарамасам эди, деб кўрқиб кетаман. Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас! Хўш, мен аямга, биз яна бошқа шунга ўхшаш врачларга қандай таъсир ўтказсак экан? Ниҳоят мен исм-фамилиямни ўзгартириб, адресимни маълум қилмасдан «Тошкент оқшоми» газетасига ёзаман, деган қарорга келдим. Балки, газетхонлар хатимни ўқиб, бирон фикр-мулоҳаза билдиришар. Балки, республикамизга таниқли, ардоқли врачларимиз бир нарса дейишар. Балки, менга танбеҳ беришар. Яна билмадим... Умуман сизларнинг маслаҳатларингизни кутаман...

Мен Сайёра Валиевaнинг мактубини оққа кўчирар эканман, бугунги совет ёшларининг ажойиб бир типик вакили кўз ўнгимда гавдаланди. Аясининг нотўғри қилмишларидан қалби тугёнга келган қизгина ҳаёт кўзгуси — матбуотдан нажот излайди. Лекин фарзандлик бурчи, ҳаёсн иєм-фамилияларни очиқ-ойдин айтишга йўл қўймайди. Балки шундай қилгани тўғридир. Сайёрани Гиппократ қасамини бузаётган, ўзининг онаси сингари нопок, таъмагирлик йўлига ўтиб олган баъзи врачларининг шаъни виждони ташвишлантиради. У ўз манфаатини эмас, халқ манфаатини ўйлайди. Зеро, фаровон ҳаётимиз учун партия ва ҳукуматимиз ҳамма имкониятларни яратиб бермоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумларида кўзбўямачилик, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш, маънавий нопоклик, порахўрлик, таъмагирлик сингари ёт иллатларга қарши қатъий ўт очилди. Пленумнинг ана шу тарихий қарорларидан хулоса чиқариб, ҳар бир виждонли киши ҳалол меҳнат қилиши, эл-юртимизга фидокорлик кўрсатиши айниқса оқ халатли шифокорлар халқимизнинг бебаҳо бойлиги —сиҳат-саломатлиги учун сидқидилдан меҳнат қилишлари уларнинг шарафли бурчларидир.

Санъат МАҲМУДОВА.

«КИШИЛАР ЎЗ ХАТЛАРИДА СОЦИАЛ АДОЛАТ ПРИНЦИПЛАРИНИНГ БУЗИЛИШИГА ҚАРШИ, МЕДИЦИНА МУАССАСАЛАРИДАГИ ТАЪМАГИРЛИК, САВДО-СОТИҚДАГИ АЛДАМЧИЛИК, ХИЗМАТ СОҲАСИДАГИ ҚУШИБ ЁЗИШЛАРГА ҚАРШИ, КОММУНАЛ ХЎЖАЛИКДАГИ СУСТКАШЛИККА ҚАРШИ ҚАТЪИЙ КУРАШ ОЛИБ БОРИШ ЗАРУР ЭКАНЛИГИ ТЎҒИСИДАГИ МАСАЛАНИ КЎТАРАДИЛАР».

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми материалларидан).



— Даданг уйдами!

— Ҳа, уйдалар. Амаки, бу кўтариб келаётганларингиз нима?

— Буларми! Э... шифохонада яхшилаб даволайман деганларида дадангга шуларни ваъда қилгандим.

— Ҳалол пулингга олмаганингдан кейин машинанинг аҳволи «шу» эканда. Бемор мижозларимнинг чўзганларни «миннат»и эндн чиқяпти....

—Энди бемалол врач ҳузурига бораверсам бўлади. Касаллик варақаси тайин.

— Врачингиз гапидан айниб қолмасмикан, адаси!

— Йўғ-е, совға-саломимиз қуюқ-ку, ахир!

Ш. Субҳонов расмлари.

ИЛМ-ФАН — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

ШОЛИДАН АВВАЛГИ ЭКИН

Институт дуккакли экинларнинг янги навларини чиқариш борасида кўп ишлар қилмоқда. «Узбекская—2» ва «Дўстлик» навлари шулар жумласидандир. Институт яратган навлар шолидан олдин экиб олинадиган яхши илдиз ҳисобланади. Тадқиқотлар бу экин тупроқни озуқа моддаларига бойитишини кўрсатди. Натижада гектар бошига одатдагидан 5-7 центнер кўпроқ шолн олиш мумкин бўлади.

(УзТАГ мухбири).

• Ажойиботлар оламида

ИЛОН ТУТУВЧИЛАР

Фрунзе зоокомбинатининг овчиларидан бир группаси ғалати ов қилганн Сибирга жўнаб кетди. Улар ботқоқ участкалардан тўрт, беш мингта қора илон тутишларн керак. Бу илонларнинг ҳаммаси комбинат серпентарийсига келтирнлади ва июль ўрталарида олти—етти мингтагача илонча беради.

Тухумдан очиб чиққан илончалар яна Сибирга жўнатилади, «Ота-оналарн» эса серпентарий маҳсулдор группасида қолади.

... Узун ёруғ хонанинг икки томонида тўрт қатор қилиб қафаслар — терраларнумлар ўрнатилган. Электр приборлар бу қафасларни доимо бирдай илитиб туради. Герпетолог чаққон ҳаракат қилиб қафасдаги каттагина илоннн ушлаб олиб унинг бошини сапгина қисади ва жуда тоза шиша идишга энгаштиради. Шу идишнинг ички деворида заҳар томчилари пайдо бўлади. Ҳар бир илон бир ой ичида шу таҳлитда олти-саккиз марта заҳар беради. Бу ерда бир йилда жами 500 грамм қуруқ илон заҳари олинади. Бу заҳардан дорн тайёрлашда фойдаланиладн.

В. ПОЛУКАРОВ, ТАСС мухбири.

• Бир шингил табассум

ЧЕТ ЭЛ ЮМОРИ

— Бугун яна икки олдингми?— сўради дадаси Рудольфдан.

— Ким айтди сизга буни? — ҳайрон бўлиб сўради у.

— Ким айтарди, ўқитувчинг айтди.

— Оббо, аёлларнинг оғзида ҳеч гап турмас экан-да.

●

— Дадажон, мен бугун тўрт олдим, — деди Фритц.

— Қайси фандан тўрт олдинг, ўғлим?— сўради дадаси.

— Тўртта фандан олдим.

●

Имтиҳон пайтида домла студентдан сўради:

— Қани, айтингчи, XIX аср химиклари тўғрисида нималарни биласиз?

— XIX аср химикларими, ҳа, уларнинг барчаси дунёдан ўтишган.

Я. ПАРДАЕВ таржимаси.



«РАДИОТЕХНИКА» ЯНГИЛИКЛАРИ

ЛАТВИЯ ССР. Ригадаги «Радиотехника» ишлаб чиқарши бирлашмаси коллективи турли маркадаги радиоаппаратларнни ишлаб чиқармоқда. Бирлашма коллективи томонидан таиёрланаётган сифатли радиоаппаратлари мунтазам харидорлар томонидан юқорн баҳоланаётир.

СУРАТДА: бирлашма ходими Дита Балчўс янги ишлаб чиқаришга кирнштган радиоаппаратларни намойиш қилмоқда.

Александр ЧАКОВСКИЙ



—9—

Бирлашган Миллатлар Ташкилотида, овоз бериш, Германиянинг келажаги, репарация миқдори каби энг муҳим масалалар муаллақ бўлиб турибди. Бошқа масалалар тўғрисида ҳам келишмовчиликлар бор. Мен билан Черчилль, мен ва Черчилль ҳамда Сталин ўртасидаги келишмовчиликлар... Ҳозир ҳамма нарса рўпарасидаги денгиз каби сокин. Эртага нима бўларкин!..»

Эртасига эрталаб тиббий назоратдан кейин Рузвельт тўшагида ўтириб бамайлихотир нонушта қилди. Деразадан Крим қўёшининг сахий нурлари тушиб турарди. Приттиман уни кийинтириб кабинетига олиб чиқди. Катта ёзув столи ёнидаги креслога ўтказди.

Рузвельтнинг юмуши ошиб-тошиб ётарди. Давлат департаменти ҳамда ҳарбий министрлик ҳозирлаб берган справка — докладлар «Қора китоблар»... Ҳаммасини ўқиш, бош қотириш, ҳал

—10—

қилиш керак.

«Европа фронтларидаги аҳвол», «Узоқ Шарқ», «Польша», «Германия», «Болқон мамлакатлари... Ана шу ҳужжатларни синчиклаб ўрганиш лозим, президентнинг қўли ишга бормаяпти. У биладики Сталин ҳалқ замон Ялтага кириб келиши керак. Рузвельтнинг бошн гувуллаб, мияснда бир фикр, бир ўй айланган — айланган:

«Маршал куннинг иккинчи ярмида очилиши белгиланган Конференцияга қадар унинг ҳузурига кирармикин, ё кирмасмикин!

Катта кабинетдаги дарпардалар қия очиқ бўлганн учун хона ним-қоронғи эди. Президент одатдагидан кўра тепароққа илинган, зарҳал югуртирилган рамкадаги суратга қарадн.

Унда кенг далага уруғ сочаётган деҳқон тасвирланган эди. Шипдаги кўҳна қандилга ҳар хил шакл ва катталикдаги, лампочкалар қўйилган. Ҳойнахой ҳозир

—11—

бутун Россия бўйлаб бир хил лампочкаларни топиб бўлмаса керак», деб ўйлади у.

Ёзув столининг ғаладонларига дафна дарахтининг баргларн нақши туширилган. Стол ёнида иккита катта юмшоқ ўриндиқ. Уларга қопланган духоба ғилофнинг ранги ўчган.

У стол устида турган лампа абажурига ташланган шокилнни ушлаб кўрди. Сўнгра деворга тақаб қўйилган баланд суянчиқли диванга, унинг олдидаги мармар столчага разм солди.

Президент автомобиль моторларининг гувуллаши эшитилиб қолармикан деб, қулоқ солиб турар, чунки Сталиннни, албатта бир гала машиналар кузатиб келади деган хаёлда эди.

Лекин ҳаммаёқ сув қуйгандек. Эҳтимолки, жилмайиб қўйди Рузвельт, Сталиннинг машиналари ҳам унинг одимн сингари товушсиздир.

—12—

Президент кабинет бурчагига қўйилган баланд қадимий соатнинг мис циферблатига қарадн. Бу соатларни Кўшма Штатларда «бобомнинг соати» дейишади. Америкада эски ашула ҳам бор:

Бобомнинг жонларн узилган замон
Соатнинг милларн тўхташ тамом...

У чуқур нафас олиб, соат кафгирининг тиқиллашига қулоқ солди. Ҳозир Вашингтонда соат неча бўлган экан. Сталиндан нега дарак йўқ, нега! — юраги хаприқиб, ўйлади президент. — Ҳамонки у мен билан мажлис очилгунга қадар учрашмас экан, бу менга муносабатн батамом ўзгарганнга ишора бўлади. Бу одам ўйламасдан ҳеч нарса қилмайди!..

Йўқ, у келади, келмаслиги мумкин эмас. Биринчи навбатда у билан қайси масалада гаплашаман! Мен сўз очишим лозим

—13—

бўлган масалалар бор-ку. Теҳронда берган ваъдаси ўз кучида қолиш — қолмаслигини сўрашим лозим. Лекин бу хусусда шошмаслигим керак. Мен бу ерга, Ялтага илтижо билан келганман деган таассурот туғилиб қолмаслиги керак, бўлажак музокараларда бу Сталин қўлида қўшимча дастур бўлур эди... Модомики, Сталиннинг ўзи бу масалани кўтариб қолгудай бўлса...»

Соат милларн обдон ялтираб турган цифрблат бўйлаб сурилиб борардн.

«Келмайди!» — деб ўйлади ўкинч билан Рузвельт.

Худди шу пайт кимдир эшикни тақиллатмасдан очиб кирди. Остонада ҳовлиқкан Чарльз Болен турар эди.

Сочларн ҳурпайган, галстугининг тугуни бир томонга қийшайиб қолган.

— Руслар даҳлизда туришибди. Маршал! — ҳаприқиб деди у.

— Худди шу пайт Майк Риллн

—14—

иккита қўриқчиси билан хонага Боленни туртиб, ўқдек отилиб кирди.

Улар хонани гир айланиб оғир креслолардан биттасини стол ёнига, президент креслосининг яқинига суриб қўйишди.

— Мана энди саранжом-саришталик... — деб минғиллади Рилли ва ҳамроҳлари билан бир зумда кўздан ғойиб бўлди.

— Сизга фойдам тегса керак, сэр! — деб сўради Болен, шошапиша сочларини текислар экан.

— Албатта, Чип, — жавоб қайтарди Рузвельт ва бамайлихотир қўшиб қўйди.

— Галстугингни тўғрилаб ол.

— Бир неча дақиқа сукунат чўкди. Сўнгра бўсағада Сталин кўринди ва зум ўтмай унинг кетидан таржимон Павлов пайдо бўлди.

....«Сталиннн снёҳи қандай эди, Теҳронда биринчи бор кўришганимиздан бўён у ўзгардимикан! — ўйлади президент. — Уша

—15—

оҳиста, майин одимлар, ўша ниғоҳ. Лекин мен дастлаб ўқиб олмаган бўлсам ҳам ўзгаришлар бор.

Маршалнинг сочларн оқарнб кетибди, юзидаги ажинлар кўпайибди».

* * *

Сталин енгил, оҳиста қадам ташлаб, Рузвельтнинг ёнига келди.

— Салом, муҳтарам президент жаноблари! — деди у жилмайиб.

— Салом, салом, азизим Маршал! — Рузвельт омонлашиш учун қўлини чўзди.

Гарчи улар бир-бирларига салом. аликдан бўлак бирор бошқа гап айтишмаган бўлса ҳам, президент бирданга ўзини енгил ҳис этди, гўё Сталиннинг қутлуғ қадами, ташриф буюришининг ўзиёқ президентга маршал ҳамма орзу-истакларига пешвоз чиқишининг гаровиндек бўлиб туюлди.

— Қани, марҳамат, ўтирсинлар, — Рузвельтнинг юзига табассум югуриб, креслога имо қилди.

—16—

— Таржимонларимизни қаерга ўтказганимиз маъқул! — Худди ўзига-ўзи савол бергандек секин гап қотди Сталин. У қўлини кресло суянчиғига қўйиб сал нарида турган Павлов ва Боленга синчков назар солди. — Ахир биз ҳамон ҳар хил тилда гаплашамиз-ку...

— Вавилон [Бобил] минорасининг касофати бу, — деди ҳазил-мутойба билан президент. — Кейин ҳамсуҳбати эҳтимолки бунн тушунмагандир деган андишага борнб қўшиб қўйди: — Қадимги Вавилонда одамлар осмон тоқигача минора қурншмоқчи бўлган экан. Бандаларининг шаккоклигидан қаҳр-ғазабга келган худо минорани бузиб ташлабди. Ана ўшандан буён одамлар ҳар хил тилда сўзлашар эканлар.

— Ҳа, таврот [библия]да шунақа афсона бор. — Маъқулладн Сталин.

— Сиз тавротнн ўқиганмисиз?

— Маркс асарларидан бўлак

—17—

нарсаларни ҳам ўқишга тўғри келган, — деди Сталин ҳамон кресло олдида турар экан. — Мен бир вақтлар диний семинарияда ўқиганимда тавротни ўрганиш мажбурий эди. Маркс китобларини мутолаа қилганларнинг эса кавушинн тўғрилаб қўйишарди... Вавилон [Бобил] васвасасига қайтадиган бўлсак, шуни айтмоқчийдимки, бора-бора узоқ келажакда одамлар ягона тилга ўтишса ажаб эмас... Ҳозирча эса, таржимонларимизга жой топиб берсак.

— Улар дивanга ўтира қолишсин. Сиз эса мана бу креслога марҳамат қилинг. Еннигизда бўлсам, қандайдир кўнглим кўтарилиб турадн.

— Раҳмат, бу фақат миннатдорчилик калимаси эмасдир деб ўйлайман. — Сталин креслога ўтираркан хонага яна разм солди: — Жаноб президент, қалай, яхшн

[Давоми бор].

—18—

ўрнашиб олдингизми, бирор бир камчилик йўқми!

— Бағоят миннатдорман, маршал. Аэродромдан келаётганимда вайрон бўлиб ётган жойларни кўриб юрагим увишиб кетган эди. Бу-ку фарогат масканн бўпти!

— Агар Украина ва Белоруссия заминида бўлсангиз кули кўкка совурилган қишлоқларга, шаҳарларга кўзингиз тушарди. Немислар ҳамма ёққа ўт қўйиб, портлатиб хонавайрон қилиб кетишди.

— Урушдан кейин сизларга тиклаш ишларида ёрдам бермшга ҳаракат қиламиз, — деди Рузвельт.

[Давоми бор].

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 ТОШКЕНТ ВЕЧ. ОҚШОМИ

25 АПРЕЛЬ, 1985 й.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

25 МАЙДАН 9 ИЮНГАЧА

«МУЗ УСТИДА БАЛЕТ»

Н. Островский номидаги Республика мукофоти лауреати КИЕВ БАДИИЙ —СПОРТ АНСАМБЛИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

«БИЗ УКРАИНАДАНМИЗ» ПРОГРАММАСИДА — БАЛЕТ, РЕВЮ, СПОРТ, ЮМОР, АКРОБАТИКА, БОШҚА ХИЛ ТОМОШАЛАР.

Томошаларда Халқаро классдаги спорт лауреатлари, СССР спорт мастерлари, СССР биринчиликлари совриндорлари, Жаҳон ва Европа биринчиликлари, Олимпиада ўйинлари иштирокчилари, Украина ССРда хизмат кўрсатган артистлар қатнашадилар.

Бадиий раҳбар ва бош балетмейстер —Украина ССРда хизмат кўрсатган артист Федор ФЕДОТОВ.

Саҳналаштирувчи-балетмейстер — Украина ССРда хизмат кўрсатган артист Елена ГОДНИЧАК.

ТОМОШАЛАР: 25, 26, май, 1, 2, 8, 9, июндан 17.00 ва 20.00, да; 28, 29, 30, 31 май, 4, 5, 6, 7 июнда 20.00 да БОШЛАНАДИ.

БИЛЕТЛАР «ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИ КАССАЛАРИДА ВА ЯККА ВАКИЛЛАР ТОМОНИДАН СОТИЛМОҚДА.

Кассалар ҳар куни соат 12.00 дан 20.00 гача ишлайди.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Қуйидаги телефонлар орқали маълумотлар олиш мумкин: касса — 65-03-12, 46-70-71; администратор — 46-07-53, 46-68-77.

ОЛИМПИЯ РЕЗЕРВ ГРУППАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-МАШҚ МАРКАЗИ (бирлашмаси) «САЛОМАТЛИҚ» ГРУППАЛАРИГА

ҚЎШИМЧА ҚАБУЛ ЎТКАЗАДИ

«ЧИҒАТОЙ» СПОРТ БАЗАСИДА «Қорақамиш» массиви, Зиёмов кўчаси 11-уй).

Машғулотлар 10 майдан бошлаб ҳафтада уч марта, соат 8 дан 10.00гача.

МАШҒУЛОТЛАРНИ ТАЖРИБАЛИ ИНСТРУКТОР-МЕТОДИСТЛАР ОЛИБ БОРИШАДИ.

«Саломатлик» группаларига ёшининг катта-кичиклигидан қатъий назар барча хоҳловчилар қабул қилинади.

Группаларга ёзилиш учун қуйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим: саломатлиги ҳақида справка, касаллик варақасидан кўчирма, 2 та фотосурат.

«САЛОМАТЛИК» группаларига ёзилиш масалалари юзасидан 29-07-24 телефонига қўнғироқ қилинг.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИНИНГ

23-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Трамвай вагонларининг учинчи класс ҳайдовчиси, троллейбус машиналарининг 3-класс ҳайдовчиси, контакт ва кабель тармоқлари ремонти ва улардан фойдаланиш электр монтери, тортиш подстанцияларини ремонт қилиш ва улардан фойдаланиш электромонтери, трамвай вагонлари ва троллейбусларнинг электр асбоб-ускуналари ва радиоаппаратураларини ремонт қилувчи электромеханик, линия хизмати диспетчер-ревизори—ўқиш муддати 5—6 ой;

ЎҚИШГА СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДА ХИЗМ. МУДДАТИНИ ЎТАБ ҚАЙТГАН КИШИЛАР, ШУНИНГДЕК 18 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқишга қабул қилинганларга 75 сўм стипендия тўланади. Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.

8-СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИЛАР УЧУН:

тортиш подстанцияларининг диспетчери, трамвайлар ва троллейбусларни ремонт қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш механиги, трамвайлар ва троллейбусларнинг электр ва радиоаппаратураларини ремонт қилувчи электр-механик, тортиш подстанцияларини ремонт қилиш ва улардан фойдаланиш электромеханиги, енгил автомобиллар, юк автомашиналари ва бошқа ихтисослашган машиналарни (давлат таъминотида турадиган) ремонт қилувчи автослесарь. Ўқиш муддати —3 йил;

10-СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИЛАР УЧУН:

трамвай вагонларининг 3-класс ҳайдовчилари, троллейбус машиналарининг 3-класс ҳайдовчиси, тортиш подстанцияларининг диспетчери, тортиш подстанцияларини ремонт қилувчи ва улардан фойдаланувчи электромонтер, автослесарь, контакт ва кабель тармоғини ремонт қилувчи ва ундан фойдаланувчи электромонтер, линия хизмати диспетчер-ревизори (ойига 30 сўм стипендия тўланади). Ўқиш муддати—10 ой.

Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхона берилади ва шаҳар прописксидан ўтказилади, улар Тошкент шаҳрида трамвай ва троллейбусларда бепул юрадилар.

Билим юрти қошида турли тўгараклар, ишчи-ёшлар мактаби фаолият кўрсатмоқда.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Справкалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Куйбишев район, Красновосточний кўчаси, 3-«а» уй (1, 17«з» автобуслар; 6, 13, 22-трамвайлар; 18-троллейбуснинг «Красновосточное» депоси» бекати). Телефон 62-34-57.

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА

26 АПРЕЛЬ СОАТ 19.00 да

СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН

«ПАХТАКОР» (Тошкент) — «АСК» (Хабаровск)

КОМАНДАЛАРИ ЎРТАСИДА

ФУТБОЛ

ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ПАХТАКОР» Марказий стадиони кассаларида олдиндан билет сотиш ташкил этилган.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

12-ҳунар-техника билим юрти томонидан **Зоҳид Норбобоев** номига берилган 310877 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎГРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«Джизакгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан берилган 1200, 1201, 1202 номерли йўқолган ИШОНЧ ҚОҒОЗЛАРИ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«БАҲОР—ЁЗ-85»

«ЎЗБЕКИСТОН» ФИРМА САВДО БИРЛАШМАСИНИНГ 2-МАГАЗИНИДА

25-30 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ

БАҲОРГИ-ЁЗГИ ТРИКОТАЖ КИЙИМЛАРИНИНГ

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

КЎРГАЗМАДА РЕСПУБЛИКА ТРИКОТАЖ БУЮМЛАРИ, «МОДАЛАР УЙИ» ВА ТОШКЕНТ «МАЛИКА» ТРИКОТАЖ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАЙЁРЛАНГАН ТРИКОТАЖ КИЙИМЛАРИНИНГ ЯНГИ МОДЕЛЛАРИ НАМОЙИШГА ҚЎЙИЛГАН.

Магазин адреси: Тошкент шаҳри, Чорсу майдони.

«ЎЗБЕКИСТОН» ФИРМА САВДО БИРЛАШМАСИ (телефон 44-26-05).



ЁШЛАРГА МУНОСИБ ЛИБОСЛАР



ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА ҲАВОЛА ҚИЛАЁТГАН ЁШЛАР КОСТЮМЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФА, БИЧИШ ВА ТИКИШНИНГ МОДАЛИ БЕЗАКЛАРИ МУЖАССАМЛАШГАН:

Оч қизғиш ва жигарранг тусдаги газламалардан тикилган клёшли **юбка ва блузкалар** харидорларга манзур бўлади. Уларнинг белидан резина ўтказиб мужассамлаштирилган.

Ҳамёнли, металл тугмачали ва вильвет ҳамёнли тўғри бичиқли юбка ҳамда елкаси кенг қилиб тикилган қотирма ёқали жакет кўк туслидир.

тўғри бичиқли юбка ва шол ёқали курткaнинг тугмачаси кнопкали бўлиб, вильвет билан пардозланган, ранги қизил.

плашчли газламадан тикилган **комбинезон,** ранги қирмизи бўлиб, оқ кант билан безакланган.

Бу либослар харидорларнинг барча талабларига тўлиқ жавоб беради.

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ (телефон 55-39-66).

БИРИНЧИ КЛАССЛИ ОПТИКА

ИШЛАТИШДА ҚУЛАЙДИР!

ЯНГИ КЎЗГУЛИ КИЧИК ҲАЖМЛИ «АЛМАЗ-103» ФОТОАППАРАТИ ЭНГ ЮКСАК ТАЛАБЛАРГА МУНОСИБ ЖАВОБ БЕРА ОЛАДИ.

ТЕХНИКАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ:

объективи— «Волна»,

фокус масофаси — 50 мм.

нисбий узайиши — 1:1,8,

фокусировка чегараси — 0,5 дан м гача,

видержка диапазони — 1-1/1000 сек., «В»,

Кабелли ва кабелсиз лампа—ёритгич уланади,

ҳажми — 155x100x93 мм.

оғирлиги — 1,07 кг.

ФОТОАППАРАТНИНГ КОНСТРУКЦИЯСИДА ҚЎЙИДАГИ ИМКОНИЯТЛАР КЎЗДА ТУТИЛГАН: центрапризмали нур изловчи чиқариб олинадиган блок, турли хил мақсадларда ишлатиладиган, суғуриб олинувчи фокусировкали экранлар, приставкали электроприводни улаш мосламаси, битта кадрни қайта-қайта намойиш этиш ва суғуриб олинадиган объектлардан фойдаланиш.

Баҳоси 295 сўм.



«РАССВЕТ» МАРКАЗИЙ РЕКЛАМА САВДО ТАШКИЛОТИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

ТВ

пайшанба

25 АПРЕЛЬ

● МТ I

18.00 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Инсоннинг маънавий дунёси».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильмлар: «Энг кичик гном», «Ҳамма гап шляпада».
19.55 «Фан ва турмуш».
20.25 «Ғалаба стратегияси». Кўп серияли телефильм премьераси. 11-фильм — «Европани озод қила бориб...» 2-қисм.
21.30 «Время».
22.05 «Сиз бунга қодирсиз».
22.50 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Швеция — ЧССР терма командалари. 2 ва 3-даврлар. ЧССРдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (23.35) — «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 МТ ва БР симфоник ҳамда эстрада куйлари оркестрининг концерти.
19.45 Спорт гимнастикаси бўйича СССР чемпионати.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Е. Станкович. «Қирққулоқ гули». Халқ операсидан саҳналар.
21.15 Классик кураш бўйича Европа чемпионати. ГДРдан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Бизнинг истеъдодимиз». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
23.20 РСФСР халқ артисти О. Воронец ҳамда М. Осипов номли Давлат рус халқ академик оркестрининг концерти.

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
19.00 «Инсон ва қонун».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Илҳом». Ижодкор ёшларнинг телевизион клуби.
20.20 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
20.30 «Ахборот».
20.50 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Жангларда янграган қўшиқлар».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ягона сиёсий кун. Буюк Ғалаба».
22.35 «Эльбадаги учрашув». Бадиий фильм.

● УзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 Рус тили — мактабгача ёшдаги болаларга. Мактабгача ёшдаги болаларни рус тилига ўргатишни кундалик ва умумий контроль қилиш.
18.50 Эстетика асослари. Ҳозирги замон буржуа реакцион эстетикаси ва санъати.
19.30 «Темиртов — менинг ёшлигим». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ўзбек жангчилари Улуғ Ватан уруши фронтларида». 3-кўрсатув.
21.00 «Ҳовлимиздаги стадион». (рус.).

ЖУМА

26 АПРЕЛЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.50 «Ғалаба стратегияси». Кўп серияли телефильм. 11-фильм —«Европани озод қила бориб...» 2-қисм.
10.55 П. ва А. Иванниковлар чалади (гитара).
11.25 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Қийшиқ ойналар қироллиги». Бадиий фильм.
13.05 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Табиатнинг бебаҳо инъоми». Телефильм премьераси.
15.40 «Рус тили».
16.10 Россияда 1905— 1907 йилларгаги революциянинг 80 йиллигига. «Бўрон шиддат билан авж олаверсин».
16.40 «Москва. Фестиваль».
17.10 «Сизга манзур адабиётлар».
17.55 «Митя ва микробус». Мультфильм.
18.10 Ю. А. Жуков суҳбати.
18.40 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Канада —СССР терма командалари. 2 ва 3-даврлар. ЧССРдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (19.20 —«Дунё воқеалари».
20.15 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига «Ғалаба стратегияси». Кўп серияли телефильм премьераси. 12-фильм— «Ғалаба баҳори».
21.30 «Время».
22.15 Союзлар уйининг Колонна залидан шоир Е. Долматовскийнинг авторлик кечаси. Танаффус пайтида (23.30) — «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Бир дуэт тарихи».
9.35, 10.35 Тарих. 4-синф. «Мен Совет Иттифоқи гражданиман».
10.05, 14.05 Инглиз тили.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Умумий биология. Биосфера ва инсон.
11.35, 12.40 Тарих 7-синф.
12.05 Илмий-оммабоп фильмлар: «Калевала», «Флоричата».
13.10 Физика. 8-синф.
13.40 Зоология. 7-синф.
14.35 «Билимимиз — қудратимиз». Тележурнал.
15.20 Б. Васильев. Асарлари саҳифаларида.
16.10 «Давлат муҳофазасида». Илмий-оммабоп фильм.
16.40 Янгиликлар.
18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ҳотира».
19.00 «Ота ўрмони». Телефильм.
19.15 «Барҳаёт қўнғироқлар». Адабий композиция.
19.45 «Боғ дурдоналари». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Амалда синаб кўрилган», «Ворислар». Телефильмлар.
21.00 «Ягона сиёсий кун: муаммолар, саволлар ва жавоблар» (рус.).

● УзТВ I

18.50 «Будапешт. Москва майдони». Киноочерк.
19.05 Ритмик гимнастика.
19.35 Ўқитувчига — музика саботи. 5-синф 2-кўрсатув.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» —«Динамо» (Тбилиси). 2-тайм.
21.30 «Время».
22.15 «Бизнинг истеъдодимиз». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
23.20 Классик кураш бўйича СССР чемпионати. ГДРдан олиб кўрсатилади.
18.00 Янгиликлар.
18.15 Афғонистоннинг миллий байрамига. «Адабий альманах».
19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» —АСК (Хабаровск). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида— «Ахборот» (рус.).
20.50 «Ахборот».
21.10 «Ҳосилдорлик капсуласи». Ҳужжатли фильм («Ўзкинохроника»).
21.30 Москва. «Время».
22.15 «Дунё воқеалари».
22.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
23.50 Янгиликлар.

● УзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 Ўқитувчилар учун консультация. Илғор тажриба — ҳаммага.
18.50 «Захаров майдони». Ҳужжатли фильм.
19.00 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ёдимизда, қалбимизда ҳамиша» (рус.).
19.30 «Чегарачилар». Телефильм.
19.50 Реклама.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш — умумхалқ иши».
21.10 «Қишлоқ ҳаёти» (рус.). (рус.).

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 25/IV да **Оловли фариштa**, 26/IV да **Хореография билим юрти ўқувчиларининг концерти**, 27/IV да **Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист О. Кучлкованинг ижодий кечаси** (17.00), **Ҳаётбахш ўлим** (19.30).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/IV да **Зебуннисо**, 26/IV да **Афғон репортажи.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА— 25/IV да **Узнлган торлар**, 26/IV да **Тоҳир ва Зуҳра.**

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Кулги кечаси (19.00).

кино

25 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ДЎСТИМ ИВАН ЛАПШИН»— **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ТАҚДИР ҲОКИМИ»—**Санъат саройи** (катта зал) (16, 18.30. 20.45; кичик зал 17, 19.30; телефон 44-21-44). **Ватан** (16, 18.30, 21.00). **Чайка** (16, 18.30, 21.00; телефон 77-06-20), **Нукус** (16, 18.30, 21.00; телефон 46-47-74), **Москва** (16, 18.30, 20.45; телефон 33-12-76).

«ДАЛА ҚУРИҚЧИСИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (18, 21.00; телефон 78-47-25).

«ҒАЛАБА» —**К. Ерматов номли** (17, 20.00; телефон 24-22-66), **Ҳамза номли** (16, 19.00; телефон 91-10-51), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (17, 20.00; телефон 33-41-93), **Лисунов номли** (17, 20.00; телефон 96-63-60).

«СЕНИНГ МУҲАББАТИНГ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (18, 21.00; телефон 96-63-60).

«ҒИРТ ЁЛҒОНЧИ» — **М. Шайхзода номли** (16.30, 19.45; телефон 42-39-74) **Дружба** (18, 20.20; телефон 66-15-75).

«АФРИКАЛИК» —**Тинчлик** (тоқ соатларда, телефон 58-36-06), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51). **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87).

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»-транспорт ишлаб чиқариш бошқармасининг

3-АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАСИ

«Б», «С» категориядаги ҳайдовчиларни тайёрлайдиган курсларга ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУРСЛАРГА СОВЕТ АРМИЯСИ САФИДА ХИЗМАТ ҚИЛИБ ҚАЙТГАН ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ПРОПИСКАДА ТУРУВЧИ ЁШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқиш муддати —5,5 ой.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Қуйидаги адресда жойлашган 3-АТПнинг кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Чилонзор район, Халқлар дўстлиги проспекти, 57-уй (метронинг Собир Раҳимов станциясига борилади).

Тошкент область, Тошкент районидаги 14-ўрта мактаб томонидан **Раҳимова Рихси Абдужалиловна** номига берилган 652069 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎГРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Совети ижроя комтетининг ҳисоблаш Бош маркази коллективи «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, академик В. Қ. Қобуловга онаси

Саодат ҚОДИРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

25 АПРЕЛЬ, 1985 й.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ [«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»]

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:

700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02: бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29- 70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 12214. **Индекс 64690.** 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.